

СОЛИҚ ва БОЖЖОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 34 (1358) • 2020 йил 25 август

ISSN 2010-524X

УШБУ СОҢДА

Коронавирусга тестдан ўтказишга ЖШДС солинадими?

3-бет

Квартира сотишнинг солиқ оқибатлари

4-5-бетлар

Сентябрь. Солиқ тўловчининг тақвими



6-бет

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

7-12-бетлар

ТМЗни харид қилишда олинган чегирмаларга доир

13-14-бетлар

БЮДга тузатишлар киритишга доир

15-16-бетлар

ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШДА НИМА ЎЗГАРДИ

Ҳисобварақ-фактуралар бўйича янги Низомга мувофиқ (ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова) уларнинг шаклларига ўзгартиришлар киритилди. Ҳисобварақ-фактуранинг яқунловчи сатрида, шунингдек, воситачилик хизматларида ЭҲФда энди қўшимча маълумотларни кўрсатиш лозим. buxgalter.uz илтимосига биноан ўзгартиришлар ҳақида молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ гапириб берди.

– Ҳисобварақ-фактура шаклига илгари уларнинг тасдиқланган шаклида мавжуд эмаслиги аксарият бухгалтерларда норозилик туғдирган маълумотлар киритилди:

- етказиб берувчи ва сотиб олувчининг банк реквизитлари (ҳисобварақ рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, филиаларо алмашиш коди (ФАК));
- харидор ишончномаси маълумотлари.

Баъзан товарлар (хизматлар) етказиб берувчининг (сотиб олувчининг) мустақил ҚҚС тўловчиси ҳисобланмайдиган таркибий тузилмаси орқали етказиб берилди ёки сотиб олинди. Бу ҳолда ҳисобварақ-фактурада, юқори турувчи ташкилот – ҚҚС тўловчиси реквизитларидан ташқари, қўшимча равишда таркибий тузилманинг номи ва СТИРи (агар мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Маркировка қилинадиган товарлар реализация қилинганда, ҳисобварақ-фактурада маркировка коди кўрсатилган бўлиши керак.


Акциз солиғи тўловчилари ҳисобварақ-фактурада акциз солиғи суммаси ва ставкасини кўрсатишлари шарт.

Низом билан ҳисобварақ-фактуранинг яқунловчи сатрида операция-

ни тавсифловчи қуйидаги қўшимча ёзувлар киритилади:

- агар товарлар (хизматлар) текинга берилса (кўрсатилса) – «Тўловсиз»;
- агар товарлар (хизматлар) устав фонди (устав капитали)га қўйилма сифатида берилса (кўрсатилса) – «Устав фондида (устав капиталига) қўйилма»;
- товарлар (хизматлар) оддий ширкат шартномасига (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага) кўра қўйилма сифатида берилса (кўрсатилса) – «Оддий ширкат шартномасига (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага) кўра қўйилма».

Оддий ширкат шартномасига (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага), концессия битимига ёки мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ товарларни (хизматларни) реализация қилишда ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиришда ҳам қўшимча маълумотлар киритилади. Бундай битимлар бўйича ширкатнинг ишончли шахси, концессионер ёки ишончли бошқарувчи «Етказиб берувчи» сатрида номига қўшимча равишда – «Ишончли шахс», «Концессионер» ёки «Ишончли бошқарувчи» сўзлари кўрсатиши керак.



«Воситачилик» ҳисобварақ-фактураларини расмийлаштиришда ҳам ўзгартиришлар мавжуд. Масалан комитентнинг товарларини (хизматларини) реализация қилувчи воситачи томонидан сотиб олувчига тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактурада жадвал қисми 1-устунидан аввал қўшимча устунлар киритилади:

- 1а-«Комитентнинг (Етказиб берувчининг) номи»
- 1б-«Комитентнинг (Етказиб берувчининг) СТИРи»;
- 1в-«Комитентнинг (Етказиб берувчининг) ҚҚС тўловчиси рўйхат рақами».

Комитент учун товарлар (хизматлар) сотиб олинаётганда воситачи етказиб берувчидан олинган ҳисобварақ-фактуранинг 1а, 1б ва 1в-қўшимча устунларида у, тегишинча, етказиб берувчи (сотувчи)нинг номи, унинг СТИРи ва ҚҚС тўловчисининг рўйхат кодини кўрсатиши керак.

Қолган ҳолларда воситачилик операциялари бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ўзгармади.

МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

ЯГОНА МИЛЛИЙ МЕХНАТ ТИЗИМИ НИМА УЧУН КЕРАК?

Маълумки, баъзи ташкилотларда кадрлар бўйича иш юритиш асосан қоғоз шаклида амалга оширилмоқда. Бу эса ҳодим, айниқса пенсия таъминоти ҳуқуқларини расмийлаштиришда меҳнат стажы аниқ ҳисобланишини мураккаблаштиради, шунингдек, аҳоли бандлиги ҳақидаги маълумотларнинг нотўғри кўрсатилишига шароит яратди ва маъмурий бошқарув харажатларини кўпайтиради.

Шу жиҳатдан ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларнинг меҳнат стажини ҳисоблаш механизмининг такомиллаштириш, ижтимоий-меҳнат соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида фуқароларнинг меҳнат фаоли-

тини ҳисобга олишни босқичма-босқич электронлаштириш жараёни йўлга қўйилди.

Республика Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим ҳужжат бўлди. Қарор ижросини таъминлаш учун 2020 йил 1 январдан «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси жорий қилинди.

Ушбу қарорга асосан 2020 йил 1 январдан бошлаб янги меҳнат шартномаларини тузиш, амалдаги меҳнат шартномаларига ўзгартириш киритиш, шунингдек, уларни тугатиш ҳолатлари ушбу тизимда рўйхатдан ўтказилиб келинмоқда. Бунда,

2020 йил 1 январга қадар тузилган амалдаги меҳнат шартномалари 2020 йил 1 сентябрдан кечиктирмасдан «ЯММТ» ИДАКда рўйхатдан ўтказилиши таъминланмоқда.

Миллий меҳнат тизимида автоматик тарзда шаклланиб келаётган электрон меҳнат дафтари 2020 йил 1 январдан бошланган ҳодимнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Тизимнинг асосий мақсадларидан бири бу – барча жисмоний шахсларнинг 2020 йилдан кейинги бўлган меҳнат фаолиятини тасдиқлаш ва пенсияни ҳисоблашда факатгина фуқаролик паспорти асосида амалга оширилишини йўлга қўйишдан иборат.

2-бетда

ЯГОНА МИЛЛИЙ МЕХНАТ ТИЗИМИ НИМА УЧУН КЕРАК?

1-бетда Ходимнинг 2020 йил 1 январга қадар бўлган меҳнат стажига эса қоғоз меҳнат дафтари мувофиқ, аввалги ўрнатилган тартибда белгиланади. Ҳозирги кунда белгиланган давлат идоралари ва ташкилотларининг маълумотлар базасига интеграциялашган ҳолда Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчи жисмоний шахснинг шахсий рақами, жисмоний шахсга иш берувчи – ташкилот СТИР рақами, юридик шахсларнинг марказий маълумотлар базаси томонидан юридик шахс (ташкilot) нинг СТИРи, номланиши, бошлигининг фамилияси, исми ва бошқалар, жисмоний шахсларнинг марказий маълумотлар базасидан жисмоний шахс (ходим) ҳақида маълумотлар киритилмоқда.

Шунингдек, Олий ва ўрға махсус таълим вазирлиги маълумотлар базаси томонидан олий маълумот тўғрисидаги дипломлар, илмий даража тўғрисидаги ҳужжатлар ҳақида гувоҳномалар маълумотлари, «Халқ банки» АТБ томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар тўланган ташкилот СТИРи, ҳисобварағи рақами ва бошқалар олинган, тизимга қўйилган вазибалар бажарилиб келинмоқда.

Тизим нима беради? Энг аввало, ходимнинг шахсий саноқига яратилган маълумотлари (меҳнат фаолияти ҳақидаги ва шахсий маълумотлар) келгусида ҳужжатларни тўплаш, тўлдиришнинг олдини олади ва келажакдаги иш берувчининг ишини сезиларли даражада осонлаштиради. Чунки ходимнинг шахсий маълумотлари тизимнинг маълумотлар базасига киритилганлиги сабабли хо-

димнинг шахсий маълумотларини қайта яратиш, яъни иш жойидан маълумотнома, ходим ҳақидаги маълумотнома (объективка) каби ҳужжатларни йиғишга зарурат қолмайди.

Шу билан бирга, ходим ўзининг шахсий саноқига кирган ҳолда иш берувчи томонидан киритилган меҳнат фаолиятига тегишли маълумотларни кузатиб бориши, меҳнат дафтари ҳисобдан кўчирма, иш жойидан маълумотнома ва С/В-маълумотномани (объективка) мустақил равишда юклаб олиши мумкин. Жисмоний шахсларнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни электрон тарзда шакллантириш ва юритиш, пенсия таъминоти ҳуқуқларини расмийлаштиришда келиб чиқадиган муаммоларнинг (меҳнат стажига нотўғри ҳисобланиши, меҳнат дафтари ҳисобдан кўчирма олиб бўлмалиги, баъзи бир ҳолларда меҳнат дафтари ҳисобининг қалбақчилиги аниқланиши, фуқаро ўз меҳнат дафтари ҳисобини йўқотиб қўйиши) олдини олади.

Тизимда барча ташкилотларда мавжуд иш ўринлари, ишловчи ходимларнинг меҳнат шартномалари рўйхатдан ўтказилаётгани боис меҳнат бозори кўрсаткичлари ҳолати ва динамикаси тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва мониторинг қилиш имконияти туғилади. Ушбу имконият меҳнат бозоридаги ишчи кучи сонини, таркибини ўрганиб чиққан ҳолда керакли-янги иш ўринлар сонини кўпайтириш, етук мутахассис кадрларга эҳтиёж бўлган соҳаларга малакали мутахассисларни қидириб топиш, иш билан таъминлаш ва ишчи кучига

бўлган талаб ва таклифни ривожлантиришда ёрдам беради.

Ходимлар ҳамда ишчиларнинг сон ва сифат таркиби, вакансиялар, шунингдек, ишга жойлаштириш учун номзодларга иш берувчилар томонидан қўйиладиган малакавий ва бошқа талаблар тўғрисида автоматик тарзда тўпланадиган ҳолис, шаффоф ва долзарб маълумотлар шакллантирилади.

Жорий йилнинг январ ойидан бошланган ишлар натижасида ҳозирги кунда «ЯММТ» ИДАКда рўйхатдан ўтган юридик шахслар, яъни ташкилотлар сони 447 минг 325 та бўлиб, бу кўрсаткич давлатимиз бўйича тизимда умумий рўйхатдан ўтиши керак бўлган юридик шахслар (ташкilotлар) нинг 112,6 фоизини ташкил этади.

Шу билан бирга, ушбу тизимда рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар, яъни ходимлар сони 5 миллиондан зиёд бўлиб, бу кўрсаткич давлатимиз бўйича тизимда умумий рўйхатдан ўтиши керак бўлган жисмоний шахслар (ходимлар)нинг 92,5 фоизини ташкил қилади.

Бундан ташқари, барча фойдаланувчиларга масофавий техник ва ахборот қўмагини тақдим қилиш мақсадида ҳозирги кунда «ЯММТ» ИДАКни техник қўллаб-қувватлаш хизмати ўз ишини олиб бормоқда. Иш берувчилар томонидан маълумотлар «ЯММТ» ИДАКга киритилиши мавжуд бўш (вакант) иш ўринлари тўғрисида маълумотлар базасини тўлиқ ва сифатли шаклланишига ҳамда ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Нурилло НАСРИЕВ, ў.а.
(Материал қисқартириб чоп этилмоқда).

ОНЛАЙН-НКМ ВА СОЛИҚ ИМТИЁЗИ

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Корхона савдо шохобчалари учун онлайн-НКМ сотиб олишни режалаштиряпти. Президентнинг 6.09.2019 йилдаги ПФ-5813-сон Фармони 3-бандида онлайн-НКМни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар суммасига, бироқ БХМнинг 10 бараваридан ошмайдиган миқдорда солиқ имтиёзлари назарда тутилган.

Корхона ўзи учун 2 та онлайн-НКМни сотиб оладиган бўлса, айланмадан олинмайдиган солиқ бўйича имтиёзлар суммаси 2 230 000 сўмдан ошмайдими ёки 4 460 000 сўмданми?

– Корхоналар фойда солиғи, ЯСТ ёки қатъий белгиланган солиқ суммасини онлайн-НКМни 2021 йил 1 январга қадар солиқ органларида рўйхатга қўйиш шарт билан, унинг ҳар бирини харид қилиш, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар суммасига, лекин БХМнинг 10 бараваридан ошмаган миқдорда камайтириши мумкин (6.09.2019 йилдаги ПФ-5813-сон Фармоннинг 3-банди «а» кичик банди).

Бунда имтиёз суммаси ҳар бир онлайн-НКМ кесимида ҳисобланади.



МИСОЛ. 2020 йил июль ойида корхона 2 та онлайн-НКМ харид қилган, ўрнатган ва ишга туширган. Улар ДСИда рўйхатдан ўтказилган. 2020 йил июль ойида БХМ 223 000 сўмни ташкил этган. Турли харажатлар қилинганда имтиёз суммасини ҳисоблаб кўрамиз:

Онлайн-НКМни сотиб олиш, ўрнатиш ва ишга тушириш харажатлари	Имтиёз суммаси	Изоҳ
Биринчиси – 1 800 000 сўм, иккинчиси – 1 800 000 сўм	3 600 000 сўм	1 800 000 x 2 = 3 600 000 сўм. Ҳар бир онлайн-НКМ бўйича харажатлар БХМнинг 10 бараваридан ошмаган, шу боис жами суммага имтиёз берилмайди
Биринчиси – 3 000 000 сўм, иккинчиси – 1 800 000 сўм	4 030 000 сўм	2 230 000 + 1 800 000 = 4 030 000 сўм. Биринчи онлайн-НКМ бўйича харажатлар БХМнинг 10 бараваридан ошганлиги сабабли БХМнинг 10 бараваридан ошмайдиган миқдорда имтиёз қўлланилади. Иккинчи онлайн-НКМ бўйича харажатлар БХМнинг 10 бараваридан ошмаган, шу боис жами суммага имтиёз берилмайди
Биринчиси – 3 000 000 сўм, иккинчиси – 3 000 000 сўм	4 460 000 сўм	2 230 000 + 2 230 000 = 4 460 000 сўм. Ҳар бир онлайн-НКМ бўйича харажатлар БХМнинг 10 бараваридан ошган, шу боис ҳар бир онлайн-НКМ бўйича БХМнинг 10 бараварига имтиёз берилмайди

2020 йил 1 январдан бошлаб ЯСТ ўрнига айланмадан олинмайдиган солиқ тўланади (СК 66-боби). Айланмадан олинмайдиган солиқни тўловчилар ПФ-5813-сон

Фармонда белгиланган солиқни қўллашга ҳақли деб ҳисоблаймиз.

Азизахон ТОШХҲАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

УШБУ СОНДА:

- **ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
- Ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиришда нима ўзгарди **1-бет**
- **МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ**
- Ягона миллий меҳнат тизими нима учун керак? **1-2-бетлар**
- **ЖАВОБ БЕРАМИЗ**
- Онлайн-НКМ ва солиқ имтиёзи **2-бет**

- **СОЛИҚ СОЛИШ**
- Хавфсиз меҳнат шароитлари: солиқ жиҳатлари
- Мақсадсиз имтиёз: бухгалтерия ҳисобида акс эттириш
- Лизинг объектини қайтаришда ҚҚС **3-бет**
- **БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР**
- Муассисга дивидендлар ҳисобига қартирани қандай қилиб бериш мумкин

- Жисмоний шахсга квартирани сотиш
- Харидорда чегирмалар қандай ҳисобга олинади **4-5, 13-14-бетлар**
- **СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР**
- Солиқ тўловчининг таквими **6-бет**
- **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори
- «Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» **7-12-бетлар**
- **БОЖХОНА**
- БЮДга янги қондалар бўйича тузатиш киритамиз **15-16-бетлар**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақида ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ХАВФСИЗ МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИ: СОЛИҚ ЖИХАТЛАРИ

? Корхонамиз телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаштириши, қуриши ва фойдаланишга топшириши (техник хизмат кўрсатиши) ва маълумотларни узатиш билан шуғулланади. Ташкилот кўчма тусдаги фаолият тўғрисида ҳамда ишлаб чиқариш циклининг тўхтаб қолмаслиги учун ходимларни коронавирусга тестдан ўтказиши ва бу билан барча ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тиббий муассаса билан шартнома тузишга қарор қилди.

Коронавирусга тестдан ўтказишга ЖШДС солинадими ва фойда солигини ҳисоблашда солиқ солинадиган фойда чегириладими?



– Барча корхоналар хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини яратиши шарт (МК 211-м.). Мазкур ҳолатда ҳаракатларингиз ходимлар саломатлиги учун хавфсиз бўлган ва вирусли касалликларнинг олдини оладиган меҳнат шароитларини яратишга қаратилган. Шу боис Covid-19 га тестдан ўтказиш билан боғлиқ харажатларингиз ходимларнинг даромади ҳисобланмаслиги ва тегишинча, уларга ЖШДС солинмаслиги лозим (СК 369-м. 2-қ. 5-б.).

Фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган харажатлар чегириб ташланади. Қабул қилинган сўнгги НХХларга мувофиқ коронавирус инфекцияси касалликларига тестдан ўтказишга доир корхонанинг харажатлари ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ва чегирилдиган харажатлар деб ҳисоблаймиз. Хусусан, COVID-19 пандемияси муносабати билан чеклов чоралари кўрилган шароитда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ташкил этиш бўйича вақтинчалик санитария қоидалари ва нормалари (11.05.2020 йилдаги 0372-20-сон СанҚН) тасдиқланган, уларга мувофиқ ташкилий-ҳуқуқий шаклдан, мулкчилик шаклдан ва идоравий мансублигидан қатъи назар, ташкилотларга қўйилдиган мажбурий гигиеник талаблар белгиланган.

Коронавирус инфекцияси (Covid-19) тарқалишининг олдини олишга доир ишлар иш берувчи томонидан қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим (Қоидалар 3.1-б.):

- * ташкилотга инфекциянинг киришини олдини олиш;
- * жамоаларда, ташкилотларда коронавирус инфекцияси (Covid-19) тарқалишига йўл қўймасликка доир чора-тадбирларни қабул қилиш;
- * ходимлар зарарланишининг олдини олиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш;
- * ходимларнинг зарарланишини олдини олишга доир бошқа ташкилий чора-тадбирлар.

Замира Жўраева,
«Norma» МЧЖ эксперти.

МАҚСАДСИЗ ИМТИЁЗ: БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА АКС ЭТТИРИШ

? Президентнинг 18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон ва 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон фармонларига мувофиқ бир қатор корхоналар мол-мулк солиғи ва ер солигини тўлашдан озод этилган. Имтиёз корхонамизга ҳам татбиқ этилади, сабаби биз бинони ижарага берамиз. Мазкур имтиёз бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади?

– Бинони ижарага берадиган юридик шахслар 2020 йил 1 июндан 31 декабргача бўлган муддатда мол-мулк ва ер солиқларини тўлашдан озод этилади (18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон Фармоннинг 1-банди; 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармоннинг 7-банди).

Бу мақсадли тўсга эга бўлмаган вақтинчалик имтиёз ҳисобланади.

Аник бир мақсадга йўналтирилмаган имтиёзлар бухгалтерия ҳисобининг баланс счётларида акс эттирилмайди ва молиявий натижаларнинг шаклланишига таъсир кўрсатмайди (Низомнинг 10-б., АВ томонидан 2.04.2005 йилда 1463-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Сиз 2020 йил 1 июндан 31 декабргача бўлган даврда ушбу солиқларни ҳисобламайсиз.

Ҳар бир солиқ тури бўйича «Вақтинчалик солиқ ва божхона имтиёзлари» деб номланган алоҳида балансдан ташқари счётлар очилади. Улар бўйича ҳисобланган бўш турган маблағлар суммаси ушбу счётларнинг дебети бўйича акс эттирилади. Ушбу счёт-



ларнинг дебети бўйича жамланган суммалар имтиёз даври тугагач кредитга ҳисобдан чиқарилади (Низомнинг 11, 12-б.).

2020 йил 1 январдан 31 майгача бўлган давр учун мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммалари корхона харажатларига кирилади.

Шунингдек ер солиғи бўйича аниқлаштирилган ҳисоб-китоб ҳамда юридик шахслардан олинган мол-мулк солиғи бўйича бўнак тўловларини ҳисоблаб чиқариш учун аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этилиши лозим.

ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИ ҚАЙТАРИШДА ҚҚС

? Корхона лизинг билан шуғулланади. Лизинг объекти қайтарилдиган вазиётлар ҳам юзага келиб туради. Бунга ўз вақтида тўлов тўламаслик ёки мижознинг лизинг объектдан ўз ихтиёрига қўра воз кечиши ва шартномалар бекор қилинган ҳолатларда лизинг объектини қайтариш тўғрисидаги суд қарори сабаб бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда лизингга берувчи қайтариш учун далолатнома ва салбий ЭҲФни расмийлаштиради.

Лизинг объекти олиб қўйилганда ёки муддатидан олдин ихтиёрий равишда қайтарилганда лизингга берувчи ва лизингга олувчида ҚҚС ва фойда солиғи бўйича қандай солиқ оқибатлари юзага келади?

– Мол-мулкни молиявий лизингга бериш ҚҚС солинадиган товарларни реализация қилиш бўйича айланма деб эътироф этилади (СК 239-м. 1-қ. 3-б.). Лизингга берувчи объектни ҚҚС билан беради ва бюджетга солиқ тўлайди. Лизингга олувчи лизингга берувчига лизинг тўловларини амалга оширишда босқичма-босқич ҚҚС суммасини тўлайди.


Лизингга олувчи томонидан лизинг шартномасининг шартлари бажарилмаганлиги сабабли лизинг объекти қайтарилган тақдирда, солиқ базаси лизингга олувчи томонидан объект қайтарилган санада бундай объект учун ўзи тўламаган лизинг тўловларининг суммаси миқдоридан фозис ҳисобдаги харажат чегириб ташланган ва ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади (СК 249-м. 2-қ.).

Лизингга олувчи лизинг объекти муддатидан олдин қайтарилганда асосий қарз суммасининг сўндирилмаган

қисмидан ҚҚС ҳисоблайди (СК 249-м. 2-қ.). Чунки у объектни лизингга олаётганда жами ҚҚС суммасини ҳисобга қабул қилган.

Тегишинча, лизингга берувчи объектни қайтаришда лизингга олувчи томонидан акс эттирилган ҚҚСни ҳисобга олишга ҳақли бўлади (СК 266-м. 1-қ.).

Бундай қайтаришда томонларда фойда солиғи бўйича мажбуриятлар юзага келмайди.



Азизахон Тошхўжаева,
«Norma» МЧЖ эксперти.

МУАССИСГА ДИВИДЕНДЛАР ҲИСОБИГА КВАРТИРАНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БЕРИШ МУМКИН

Кўп қаватли уйдаги корхонага тегишли квартира жисмоний шахс – МЧЖ муассисига дивидендларни тўлаш ҳисобига берилмоқда. Жисмоний шахсга квартирани текин беришнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ оқибатлари тўғрисида «СБХ»нинг 4.08.2020 йилдаги 31 (1355)-сонида ёзган эдик. Жисмоний шахсга квартира беришнинг яна бир варианты – унга квартирани сотишдир. «Nogma» компанияси эксперти Олег ЦОЙнинг материалларида шундай ҳужжатлик операциясининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида сўз боради.

– Сотиб олинган квартира корхона балансида асосий воситалар ёки товарлар таркибидан қайд этилиши мумкин. Келгусида квартираларни сотиш учун кўп қаватли уйлари ўзлари қурадиган ташкилотларда улар тайёр маҳсулот сифатида ҳисобга олинади. МЧЖ иштирокчисига дивидендлар ҳисобига квартиранинг берилишини бухгалтерия ҳисобидан акс эттириш тартибини мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

1-МИСОЛ. Асосий воситалар таркибига ҳисобга олинган квартирани муассисга дивидендлар ҳисобига бериши

МЧЖ – ҚҚС ва фойда солиғи тўловчиси. Корхона муассиси – жисмоний шахс, Ўзбекистон резидентига 450 000 минг сўм миқдориди дивидендлар ҳисобланган. Корхона дивидендлар тарзиди даромад олмаган. Дивидендлардан ЖШДС 22 500 минг сўмни (450 000 x 5%) ташкил этади. Муассиснинг соф даромади: 450 000 – 22 500 = 427 500 минг сўм. Асосий восита – куйидаги кўрсаткичларга эга бўлган квартирани дивидендлар ҳисобига беришга қарор қилинди:

- бошланғич қиймати – 400 000 минг сўм;
- жамғарилган амортизация – 50 000 минг сўм;
- қайта баҳолаш сальдоси – 80 000 минг сўм.

Дивидендларни тўлаш ҳисобига товарлар берилганда солиқ базаси ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда тарафлар томонидан қўлланган товарлар қийматидан келиб чиқиб аниқланади. Битим нархи товарларнинг бозор қийматидан наст ёхуд юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиши киритиши ҳуқуқига эга бўлади (СК 248-м. 4, 8-қисмлари).

МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан квартирани бериши қиймати ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда муассиснинг соф даромади 427 500 минг сўм миқдориди белгиланди. ҚҚС 55 760,87 минг сўмни (427 500 / 115 x 15) ташкил этади.

Асосий воситанинг чиқиб кетишидан молиявий натижа: (427 500 – 55 760,87) – (400 000 – 50 000) + 80 000,0 = 101 739,13 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисоби:

Ҳужжатлик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Дебет	Кредит
Муассисга дивидендлар ҳисобланди	450 000	8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)»	6610-«Тўланадиган дивидендлар»
Дивидендлар тарзиди даромаддан солиқ ушлаб қолинди	22 500	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	6410-«Бюджетга тўловлар буйича қарз (турлари буйича)»
Дивидендларни тўлаш ҳисобига квартира берилди	427 500	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
ҚҚС ҳисобланди	55 760,87	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар буйича қарз (турлари буйича)»
Квартиранинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди	400 000	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар»
Жамғарилган амортизация ҳисобдан чиқарилди	50 000	0220-«Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эскириши»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Қайта баҳолаш сальдоси ҳисобдан чиқарилди	80 000,0	8510-«Ўзоқ муддатли активларни қайта баҳолаш буйича тузатишлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Асосий воситанинг чиқиб кетишидан олинган фойда акс эттирилди	101 739,13	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»

Ҳужжатлик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Дебет	Кредит
Дивидендлар тарзиди даромаддан солиқ бюджетга ўтказилди	22 500	6410-«Бюджетга тўловлар буйича қарз (турлари буйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

2-МИСОЛ. Тайёр маҳсулот таркибига ҳисобга олинган квартирани муассисга дивидендлар ҳисобига бериши

Қурилиш ташкилоти (МЧЖ) ҚҚС ва фойда солиғи тўловчиси ҳисобланади.

МЧЖ муассиси – жисмоний шахс, Ўзбекистон резидентига 360 000 минг сўм миқдориди дивидендлар ҳисобланган.

Корхона дивидендлар тарзиди даромадлар олмаган. Дивидендлардан ЖШДС 18 000 минг сўмни (360 000 x 5%) ташкил этади.

Муассиснинг соф даромади: 360 000 – 18 000 = 342 000 минг сўм.

Дивидендларни тўлаш ҳисобига товарлар берилганда солиқ базаси ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда тарафлар томонидан қўлланган товарлар қийматидан келиб чиқиб аниқланади. Битим нархи товарларнинг бозор қийматидан наст ёхуд юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиши киритиши ҳуқуқига эга бўлади (СК 248-м. 4, 8-қисмлари).

МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан квартирани бериши қиймати ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда муассиснинг соф даромади 342 000 минг сўм миқдориди белгиланди. ҚҚС 44 608,7 минг сўмни (342 000 / 115 x 15) ташкил этади.

ҚҚСsiz квартирани бериши қиймати: 342 000 – 44 608,7 = 297 391,3 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра квартира таннархи – 295 500 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисоби:

Ҳужжатлик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Дебет	Кредит
Муассисга дивидендлар ҳисобланди	360 000,0	8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)»	6610-«Тўланадиган дивидендлар»
Дивидендлар тарзиди даромаддан солиқ ушлаб қолинди	18 000,0	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	6410-«Бюджетга тўловлар буйича қарз (турлари буйича)»
Дивидендларни тўлаш ҳисобига квартира берилди	297 391,3	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»
ҚҚС ҳисобланди	44 608,7	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	6410-«Бюджетга тўловлар буйича қарз (турлари буйича)»
Квартира таннархи ҳисобдан чиқарилди	295 500	9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»	2810-«Тайёр маҳсулотлар»
Дивидендлар тарзиди даромаддан солиқ бюджетга ўтказилди	18 000,0	6410-«Бюджетга тўловлар буйича қарз (турлари буйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Квартира товар сифатида ҳисобга олинса, ҳисобда унинг чиқиб кетишини маҳсулотлар таркибидан қайд этилган квартиранинг чиқиб кетиши сифатида акс эттириш. Бунда куйидаги счётлардан фойдаланинг:

- 2900-«Товарлар»;
- 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»;
- 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи».



Яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулк объектлари келгусида сотиш учун қурилиш ташкилоти ёки қурувчининг балансида қайд этилган бўлса, улар фойдаланишга топширилганидан кейин 6 ой ўтгач мол-мулк солиғи солинадиган объектга айланади (СК 411-м. 2-қ. 4-б.). Кичик бизнес субъектлари ва айрим соҳа корхоналари 2020 йил охиригача мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилинган (20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон, 7-б. «а» кичик банди).

ЖИСМОНИЙ ШАХСГА КВАРТИРАНИ СОТИШ

Корхонага тегишли квартирани жисмоний шахсга сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни аниқ мисолларда кўриб чиқамиз. Бунда, аввало, квартира харид қилинаётганда у тўғри кирим қилинганига ишонч ҳосил қилинг.



3-МИСОЛ. Асосий воситалар таркибида ҳисобга олинган квартирани сотиш

ҚҚС ва фойда солигини тўловчи корхонанинг асосий воситалари таркибида қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлган квартира бор:

бошланғич қиймати – 389 193,6 минг сўм;

жамғарилган амортизация – 21 393 минг сўм;

қайта баҳолаш сальдоси – 85 289 минг сўм.

Корхона ушбу квартирани ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 367 800,6 минг сўмлик (389 193,6 – 21 393) қолдиқ қиймати бўйича муассисга сотмоқда.

Баҳоловчи ташкилотнинг маълумотларига кўра, квартиранинг ҚҚСиз бозор қиймати унинг қолдиқ қийматига мос келади.

ҚҚС 55 170,09 минг сўмни (367 800,6 x 15%) ташкил этади.

Умумий реализация қилиш қиймати:

367 800,6 + 55 170,09 = 422,970,69 минг сўм.

Асосий воситанинг чиқиб кетишидан молиявий натижа:

(422 970,69 – 55 170,09) – (389 193,6 – 21 393) + 85 289,0 = 85 289 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисоби:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Дебет	Кредит
Квартира реализация қилинди (422 970,69 – 55 170,09)	367 800,6	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счёtlар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
ҚҚС ҳисобланди	55 170,09	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счёtlар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Квартиранинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди	389 193,6	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар»
Жамғарилган амортизация ҳисобдан чиқарилди	21 393	0220-«Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эскириши»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Қайта баҳолаш сальдоси ҳисобдан чиқарилди	85 289	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган фойда акс эттирилди	85 289	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»
Квартира учун пул маблағлари олинди	422 970,69	5110-«Ҳисоб-китоб счёtlари»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счёtlар»

4-МИСОЛ. Товарлар таркибида ҳисобга олинган квартирани сотиш

ҚҚС ва фойда солигини тўловчи корхона балансида – товарлар таркибида квартира 320 000 минг сўмлик сотиб олиш нархида (сотиб олиш бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) қайд этилган. Квартира қурувчи ташкилотдан сотиб олинган.

Корхона уни бозор қиймати бўйича ўз ходимига сотмоқда, баҳоловчи ташкилотнинг маълумотларига кўра, у ҚҚСни ҳисобга олганда 402 500 минг сўмни ташкил этади.

ҚҚС 52 500 минг сўмни (402 500 / 115 x 15) ташкил этади.

Бухгалтерия ҳисоби:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Дебет	Кредит
Ходимга квартира реализация қилинди (402 500 – 52 500)	350 000,0	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счёtlар»	9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»
ҚҚС ҳисобланди	52 500,0	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счёtlар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Дебет	Кредит
Квартира таннархи ҳисобдан чиқарилди	320 000,0	9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2900-«Товарлар»
Квартира учун пул маблағлари олинди	402 500,0	5110-«Ҳисоб-китоб счёtlари»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счёtlар»

Квартира сотилишининг солиқ оқибатлари

Кўшилган қиймат солиғи

Товарга бўлган мулк ҳуқуқини текинга бериш товарларни реализация қилиш бўйича айланма деб ҳисобланади ва унга ҚҚС солинади (СК 239-м. 1-қ. 1-б.).

Квартира реализация қилинганда қабул қилиш-топшириш далолатномаси, тарафлар томонидан имзоланган кўчмас мулкни учинчи шахсга бериш тўғрисидаги шартнома бўйича кўчмас мулк харидорга берилган сана айланмани амалга ошириш санаси бўлади (СК 242-м. 3-қ.).

Тарафлар томонидан қўлланилган битим нархидан келиб чиқиб реализация қилинадиган товарлар қиймати ҚҚС бўйича солиқ базаси ҳисобланади. Бунда битим нархи товарларнинг бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритиш ҳуқуқига эга бўлади (СК 248-м. 1, 4-қисмлари).

Қайта сотиш учун жисмоний шахслардан сотиб олинган янаш учун мўлжалланган кўчмас мулк объектлари реализация қилинганда, солиқ базаси реализация қилиш нархи билан солиқ суммасини ўз ичига олган сотиб олиш қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади (СК 248-м. 11-қ.).

Фойда солиғи

Квартира сотилганда фойда солиғи бўйича оқибатлар у корхона балансида қандай ҳисобга олинганига боғлиқ бўлади.

Асосий восита сифатида ҳисобга олинган бўлса, сотиш чоғида унинг чиқиб кетишидан фойда ёки зарар юзага келиши мумкин. Асосий воситанинг чиқиб кетишидан олинган фойда жами даромад таркибига киритилади (СК 297-м. 3-қ. 6-б.).

Квартира товар сифатида ҳисобга олинган бўлса, уни сотишдан фойда ёки зарар солиқ базаси кўрсаткичидан акс этади (СК 296-м.).

Корхона бундай операциянинг иқтисоди жиҳатдан ўзини оқлашини асослай олса, фойда солигини ҳисоблаш чоғида квартирани сотишдан кўрилган зарарни чегириб ташлашингиз мумкин (СК 305-м. 3, 4-қисмлари). Акс ҳолда ушбу харажат чегирилмайдиган харажат бўлади.

Айланмадан олинadиган солиқ

Айланмадан олинadиган солиқ бўйича оқибатлар ҳам квартира корхона балансида қандай ҳисобга олинганига боғлиқ.

Асосий восита сифатида ҳисобга олинган бўлса, сотиш чоғида унинг чиқиб кетишидан фойда ёки зарар юзага келиши мумкин. Бу ҳолда унинг чиқиб

кетишидан кўрилган фойда жами даромад таркибига киритилади (СК 463-м. 1-қ.), кўрилган зарар эса айланмадан олинadиган солиқни ҳисоб-китоб қилиш чоғида инобатга олинмайди.

Квартира товар сифатида ҳисобга олинган бўлса, уни сотиш нархи жами даромад таркибига киритилади (СК 463-м. 1-қ.).

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи

Жисмоний шахс учун квартирани сотиш нархи билан уни сотиб олиш нархи (таннархи) ўртасидаги салбий қиймат – моддий наф тарзидаги даромад (СК 376-м. 1-қ. 3-б.).

Жисмоний шахс юридик шахсдан товарларни (хизматларни) олганда, уларнинг қиймати ушбу товарларни (хизматларни) сотиб олиш нархидан ёки акциз солиғи ва ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда уларнинг таннархидан келиб чиқиб аниқланади (СК 376-м. 2, 3-қисмлари).

Жисмоний шахсдан олинadиган даромад солигини тўлов манбаи сифатида корхона ушлаб қолади. Солиқ ушлаб қолинмаган бўлса, корхона солиқ суммаси ва у билан боғлиқ пеняни бюджетга тўлаши шарт (СК 386-м. 3-қ. 387-м. 1-қ. 2-б.).

Корхона квартирани ўз ходими бўлмаган шахс – Ўзбекистон резидентига уни сотиб олиш қийматидан (таннархидан) паст нархда сотган бўлса, харидорнинг ёзма аризасига асосланиб солиқни ушлаб қолмасликка ҳақли. Бунда харидор мустақил равишда жами йиллик даромади тўғрисида декларация тақдим этиши ва солиқни тўлаши шарт (СК 387-м. 2-қ., 393-м.).

Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи

Квартиранинг реализация қилиниши мол-мулк солиғи бўйича солиқ базасини қамайтиради (СК 413-м. 1-қ.).

Шу сабабли бунда тўловлари тўғрисида аниқлаштирилган маълумотномани тақдим этишга ҳақлисиз. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун бунда тўловларига солиққа ўзгартиш киритилadиган суммада тенг улушларда тузатиш киритилади (СК 417-м. 7-қ.).

Юридик шахслардан олинadиган ер солиғи

Кўп квартиралар уйлар банд қилган ер участкаларига ер солиғи солиш объекти сифатида қаралмайди. Бу қонда нотурар кўчмас мулк объектлари эгаллаган ер участкаларига тааллуқли эмас (СК 426-м. 2-қ. 12-б.).

Бирок ушбу ер участкаларидан хўжалик фаолиятини юритиш учун фойдаланилса, улар солиқ солиш объектлари ҳисобланади (СК 426-м. 3-қ.).

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

5 СЕНТЯБРЬ****

2020 йил август ойида банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига тўланган даромадлар (дивидендлар ва фойзалар тўловида ташқари) бўйича фойда солиғини бюджетга ўтказишнинг сўнгги куни
(СК 355-м., 2-қ., 1-б.)

2020 йилнинг август ойида натура шаклида тўланган даромадлардан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тўлашнинг сўнгги куни
(СК 390-м., 2-қ.)

9 СЕНТЯБРЬ

2020 йил сентябрь ойи учун айланмадан солиқ тўловчи бўлмаганлар жумласига қирадиган солиқ тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи бўйича йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тўлашнинг сўнгги куни*
(СК 432-м., 1-қ.)

10 СЕНТЯБРЬ

2020 йил август ойи учун Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборот тақдим этишнинг сўнгги куни
(СК 133-м., 12-қ.)

2020 йилнинг август ойи учун акциз солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни
(СК 292, 293-м.)

мол-мулк солиғи бўйича бўнак тўловларини айланмадан олинган солиқни тўловчилар ҳисобламайдиган солиқ тўловчилар томонидан 2020 йил сентябрь ойи учун йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида, шунингдек айланмадан олинган солиқни тўловчилар томонидан йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорида 2020 йилнинг III чораги учун тўлашнинг сўнгги куни
(СК 417-м., 6-қ.)

14 СЕНТЯБРЬ

2020 йил август ойи учун ШЖБПХ реестрларини тақдим этиш ва бадалларни тўлашнинг сўнгги куни
(Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низомининг 16-банди, ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарорига 1-илова)

15 СЕНТЯБРЬ

2020 йил август ойи учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқларни тўлашнинг сўнгги куни
(СК 389-м., 1-қ., 2-б.; 390-м.; 407-м. 4 ва 5-қ.)

2020 йил сентябрь ойи учун солиқ тўловчилар томонидан қатъий миқдорда белгиланган ЖШДСни тўлашнинг сўнгги куни. Бундай солиқ тўловчилар қатъий белгиланган миқдорда ЖШДСни тўлашни улар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ёки яқка тартибдаги тадбиркор ёхуд оилавий тадбиркорлик субъекти билан меҳнат шартномаси тузилган ойдан кейинги ойдан савдо қилиш хўжалиги учун оширилган
(СК 392-м., 1 ва 2-қ.)

Президентнинг ПФ-6029-сон Фармонида мувофиқ;
2020 йил 1 июлдан 2020 йил 31 декабрга қадар:
умумий оқватланган корхоналари ва биноларни ижарага беришга иштирокчилардан корхоналар айланмадан олинган солиқни тўлашдан озод этилади;
жисмоний шахслар кўмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи тўлашдан озод этилади;
мол-мулкни (бинолар ва автомобиль транспортни) ижарага берувчи жисмоний шахсларга солиқ мақсадида ижара тўловларининг энг кам ставкаларини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади;
ижарага берувчиларга 2020 йил учун ижара тўлови миқдорини пасайтириш мақсадида, шу жумладан тақдим этилаётган солиқ имтиёзларини шубҳасиз овозини ҳақиқат тўлови шаклида қўриб чиқиш тавсия этилади;
2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 31 декабрга қадар умумий оқватланган корхоналари алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш хўжалиги учун йиғимни тўлашдан озод қилинади;
Президентнинг ПФ-5969-сон Фармонида белгиланган алкоголь маҳсулотларининг улгурчи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг ажратилган миқдорини 3%дан 3%га пасайтиришга доир имтиёз мuddати 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилади;
2020 йилда Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган ҳолларда, солиқ тўловчиларга солиқ ҳисоботларини тақдим этиш мuddатларини 3 кундан кўп бўлмаган мuddатга кечиктирилган учун жазима солиқланади;
ПФ-5996-сон Фармонида белгиланган қўйидаги солиқ имтиёзлари ва преференциялари 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилган;

1) мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилиш бўйича берилган имтиёзлар;
кичик тадбиркорлик субъектлари;
бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий оқватланган корхоналари, жамоат транспорт корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташвиш, маънавий хизматлар кўрсатиш, бинолари, шу жумладан банклар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун;
2) ижтимоий солиқ ставкасини 12 фоиздан 1 фоизга пасайтириш бўйича микрофирма ва кичик корхоналар учун берилган имтиёзлар (акцизоси маҳсулотлар шилба чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устас эсмагармасида (устас капиталда) давлат улуси 50% ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно); Белгиланган, умумий оқватланган корхоналари ижтимоий солиқни пасайтирилган ставкасини ишчиларнинг сонидан қатъи назар қўлайди;
3) боғхона органикалар мурожат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган мuddат давомида ташиқ иртиқодий фаолиятини амалга ошираётган микрофирма ва кичик корхоналарга, кейин-чалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улуғларда тўлаш шартини билан, товарларни (истемол товарларидан ташқари) олиб қаришда ундириладиган боғхона божи ва акциз солиғини тўлаш мuddатини кечиктириш тақдими этиш;
4) микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, невязар ва солиқ қонунчилигини бузганлиги учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорлиқини ундиришни тўхтатиш;
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрият жамоат фондида, «Савоат ва кўмак» фондида, «Ўзбекистон меҳр-шайфат ва саломатлиқ» жамоат фондида, шу жум-

ладан уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги бўлималярига беварз ердан бериш (беварз ердан олиш) қисмида фойда солиғи, қўйилган қўймақ солиғи, айланмадан олинган солиқ ва жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича имтиёзларнинг амал қилиши 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилган;
14 ёшга борадиган бўлган оилаларга нафақа, шунингдек, бола икки ёшга тўлгунча қадар бола парварини бўйича оилаларга бериладиган нафақалар жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини ҳисоблайдиган жами даромадга киритилмайдиган;
*Айланмадан олинган солиқни тўловчилар томонидан ер солиғини йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорида йилнинг ҳар чораги учинчи ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тўланади.
**Қишлоқ хўжалиги корхоналари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассасалар орқали амалга ошираётган ЎЗР норезидентлари бўлган юридик шахслар, шунингдек солиқ даврдан кейинги йилнинг 1 майгача солиқни тўлайдиган дехқон хўжаликлари бундан мустасно.
***Солиқ кодексининг 340-моддаси 3-б-қисмидаги мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ҳар ойлик бўнак тўловларининг суммаси маънавий ёки нола тенг бўлса, кўрсатилган тўловлар тегишли чоракда амалга оширилмайдиган.
Солиқ тўловчилар, шу жумладан янгидан ташқиқ этилган, жами даромади жорий ҳисобот даври мобайнида 5 млрд сўмдан ошган солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнак тўловларини бундай олиб тегишли содир бўлган тўлиқ чорак ўтатишдан кейин тўлайди.
****Мuddатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўраи келиб қолса, мuddатнинг тугаши куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.

2020 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ

20 СЕНТЯБРЬ****

2020 йил август ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни
(СК 273-м., 1 ва 2-қ.)

2020 йил август ойи учун чет эллик шахслардан олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда ҚҚС ҳисоб-китоби орғиб бормайдиган яқун билан, айти 2020 йил август ойи учун кўрсаткичлар асосида тўлдирилади
(СК 259-м., 273-м., 1, 2-қ.)

2020 йил август ойи учун солиқ агентлари томонидан дивидендлар ва фойзалардан олинган солиқ суммаси бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси дивидендлар ва фойзалар тўланган кундан кечиктирмай бюджетга тўланади
(СК 345-м., 5 ва 6-қ.)

2020 йил август ойи учун солиқ агентлари томонидан норезидентларнинг даромадларидан олинган солиқ суммалари бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси норезидентга даромадлар тўланган куннинг кейинги кунидан кечиктирмай бюджетга тўланади
(СК 355-м., 1 ва 2-қ.)

2020 йил сентябрь ойи учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнак тўловларини солиқ даврида солиқ суммаси БХМнинг 200 бараваридан кўпроқни ташқил этадиган айланмадан олинган солиқни тўламайдиган юридик шахслар томонидан йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тўлашнинг сўнгги куни**;
2020 йилнинг III чораги учун солиқ даврида солиқ суммаси БХМнинг 200 бараваридан камроқни ташқил этадиган, айланмадан олинган солиқни тўловчилар бўлмаган юридик шахслар, шунингдек айланмадан олинган солиқни тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорида тўлашнинг сўнгги куни
(СК 448-м., 1, 3 ва 7-қ.)

2020 йил август ойи учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни
(СК 454-м., 3 ва 4-қ.)

23 СЕНТЯБРЬ

2020 йил сентябрь ойи учун жами даромади жорий солиқ даврдан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар томонидан фойда солиғи бўйича ойлик бўнак тўловларини тўлашнинг сўнгги куни***
(СК 340-м., 2, 7, 8-қ.)*

Маълумот учун! Президентнинг 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармонида 15-бандига мувофиқ бундай солиқ тўловчилар 2020 йил II чоракдан бошлаб ўтган чоракдаги натижалар бўйича ҳисоблаб чиқариш талаби бекор қилинган ҳолда мўлжалланаётган ҳажмдан келиб чиқиб, Фойда солиғи бўйича бўнак тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишга ҳаққи.

25 СЕНТЯБРЬ

2020 йилнинг август ойи учун меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида тайинланган пенсиялар тўлови бўйича харажатларни қоплаш учун маблағларни тўлашнинг сўнгги куни
(Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўлаш шартини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомининг 17-банди, АВ рўйхат рақами 2836, 3.11.2016 й.)

Эътибор беринг! Коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзлари тақдим этилган. Улар Президентнинг қўйидаги фармонларида акс эттирилган:

- 19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон
- 18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон
- 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон
- 28.05.2020 йилдаги ПФ-6002-сон
- 27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон
- 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон.

112	Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмасининг муассиси (асосчиси) бўлган ва тузилманинг фойдасини (даромадини) ёки унинг бир қисмини тасарруф этишга ҳақли бўлган шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 9-қисми 2-банди)
113	Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмасининг муассиси (асосчиси) бўлган ва тузилмага берилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқни ўзида сақлаб қолган (қайтариш асосида берилган) шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 9-қисми 3-банди)
114	Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмасининг муассиси (асосчиси) ва унинг активларини бошқаришда, фойдасини (даромадини) тақсимлашда қабул қилинадиган қарорга таъсир кўрсатиш ёки таъсир кўрсатиш имконияти мавжуд бўлган, юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси устидан назоратни амалга оширувчи шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 7-қисми)
115	Юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасининг таъсис этувчиси (асосчиси) ҳисобланмайдиган ва олинган даромадга (унинг бир қисмига) нисбатан ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлган шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 12-қисми 1-банди)
116	Юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасининг таъсис этувчиси (асосчиси) ҳисобланмайдиган ва мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 12-қисми 2-банди)
117	Юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасининг таъсис этувчиси (асосчиси) ҳисобланмайдиган ва тузилма тугатилган (шартнома тугатилган, бекор қилинган) тақдирда, унинг мол-мулкни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 12-қисми 3-банди)

Низомга 3-ИЛОВА

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИДА ИШТИРОК ЭТИШИ ТУРЛАРИ КОДЛАРИ

201	Солиқ тўловчи чет эл юридик шахсида тўғридан-тўғри иштирок этишни амалга оширади
202	Солиқ тўловчи чет эл юридик шахсида билвосита иштирок этишни амалга оширади
203	Солиқ тўловчи чет эл юридик шахсида ҳам тўғридан-тўғри, ҳам билвосита (аралаш) иштирок этишни амалга оширади
204	Солиқ тўловчи чет эл юридик шахсида эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олган ота-онаси), эрининг (хотинининг) ота-онаси, фарзандлари (фарзандликка олинган фарзандлари), тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган қариндош ака-укалари ва опангиллари, шунингдек, васийси (ҳомийси) ва ҳомийлигидаги шахс билан биргаликда иштирок этишни амалга оширади
205	Солиқ тўловчи Солиқ кодексининг 40-моддаси биринчи қисми «2»-кичик бандига асосан чет эл юридик шахсида Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари билан биргаликда иштирок этишни амалга оширади

Низомга 4-ИЛОВА

НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИГАН ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ФОЙДАСИГА СОЛИҚ СОЛИШДАН ОЗОД ҚИЛИШ АСОСЛАРИ КОДЛАРИ

1001	Назорат қилинадиган чет эл компанияси ташкил қилинган чет давлатнинг (ҳудуднинг) қонун ҳужжатларига мувофиқ нотижорат ташкилоти бўлиб, олинган фойдани (даромадни) акциядорлар (иштирокчилар, муассислар) ёки бошқа шахслар ўртасида тақсимламайди (Солиқ кодексининг 204-моддаси 1-қисми 1-банди)
1002	Назорат қилинадиган чет эл компанияси актив чет эл компанияси ёки актив чет эл ҳолдинг компанияси (Солиқ кодексининг 204-моддаси 1-қисми 2-банди)
1003	Назорат қилинадиган чет эл компанияси чет эл компанияси учун даромадларни (фойдани) бундай компания доимий жойлашган давлатнинг (ҳудуднинг) қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий йил учун молиявий ҳисобот тузиладиган давр якуналари бўйича ушбу Кодекснинг 207-моддасига мувофиқ аниқланадиган солиқ солишнинг самарали ставкаси ушбу Кодекснинг 337-моддаси 12-бандида кўрсатилган фойдадан олинадиган солиқ ставкаси миқдоридан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади (Солиқ кодексининг 204-моддаси 1-қисми 3-банди)
1004	Назорат қилинадиган чет эл компанияси хорижий давлатнинг (ҳудуднинг) қонун ҳужжатларига мувофиқ банк ёки суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия ёхуд бошқа махсус рухсатнома асосида фаолият юритадиган банк ёки суғурта ташкилоти (Солиқ кодексининг 204-моддаси 1-қисми 4-банди)

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИГИ ҲАМДА ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

ЎЗР ВМнинг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарорига 5-ИЛОВА

ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАРНОМАЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ, УЛАРНИ ТЎЛДИРИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДА

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси солиқ резидентлари бўлган солиқ тўловчилар томонидан чет эл юридик шахсларида иштирок этиш тўғрисидаги хабарномаларнинг (кейинги ўринларда – хабарнома) шакллари уларни тўлдириш ва солиқ органларига тақдим этиш тартибини белгилайди.

2-БОБ. ХАБАРНОМА ШАКЛЛАРИ ВА ТАРКИБИ

2. Мазкур Низомга иловага** мувофиқ Чет эл юридик шахсларида иштирок этиш ҳақидаги хабарнома шакли 6 варақдан iborat бўлиб:

- 1 - варақ (титул варақ);
- 2 - варақ (жисмоний шахс тўғрисида маълумотлар);
- 3 - варақ (чет эл юридик шахс тўғрисида маълумотлар);
- 4 - варақ (Ўзбекистон Республикаси корхонаси тўғрисида маълумотлар);
- 5 - варақ (юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмалари тўғрисида маълумотлар);
- 6 - варақ (солиқ тўловчининг чет эл юридик шахсида билвосита иштирок этиши тартиби)ни ўз ичига олади.

3-БОБ. ХАБАРНОМА ШАКЛЛАРИНИ ТЎЛДИРИШНИНГ УМУМИЙ ТАЛАБЛАРИ

3. Хабарнома варақлари қора ёки кўк сиеҳда ёхуд тегишли дастурий таъминот орқали битта нусхада, тўлдириш учун асослар мавжуд бўлган варақлар тўлдирилади.

Хабарномани тўлдиришда хатоларни тузатишга ёки шунга ўхшаш воситалардан фойдаланган ҳолда ўзгартиришга, қоғоз кўринишида тақдим этилганда икки томонлама чоп этишга ва тикишга йўл қўйилмайди.

4. Хабарнома варақлари тўлдириладиган бўлимлари мавжудлиги ёки йўқлиги ҳамда сонидан қатъи назар рақамланади, титул варақ рақамланмайди, рақамлаш иккинчи варақдан «2» рақами билан бошланади ва кўрсатилган майдонга қўйилади.

5. Хабарномада маълум бир белгилардан ташкил топган ҳар бир кўрсаткичга битта майдон тўри келади. Ҳар бир майдонга фақат битта кўрсаткич ва ҳар бир катакка битта белги тўлдирилади.

Истисно тариқасида сана учун учта майдон мавжуд бўлиб, кун, ой ва йил «.» (нуқта) билан ажратилади.

Мисол учун, 15.01.2022.

6. Хабарнома майдонларини матн, сон ва кодли кўрсаткичлар билан тўлдиришда чапдан ўнга қараб, қўлёзма ёки босма ҳарфлардан фойдаланилади.

7. Хабарномадаги барча қиймат кўринишидаги кўрсаткичлар сўмда тўлдирилади.

8. Хабарноманинг титул варақидан ташқари қуйи қисмидаги «Мазкур саҳифада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман» майдони солиқ тўловчи ёки вакилининг имзоси билан тасдиқланади.

9. Хабарнома шаклини дастурий таъминот орқали принтерда чоп этишда «Times New Roman» 12-14 ўлчамдаги шрифтан фойдаланилади.

10. Хабарноманинг тегишли майдон кўрсаткичи мавжуд бўлмаганда майдоннинг бутун узунлиги бўйлаб ўртасига «—» (чизикча) белгиси қўйилади.

Агар соннинг каср қисмидаги рақамлар бутун қисмидаги рақамлар сонидан кўп бўлса, бўш майдонлар чизикча билан тўлдирилади.

Масалан, солиқ тўловчининг чет эл юридик шахсида ёки назорат қилинадиган чет эл компанияси «Иштирок этиш улуши» 53,87423 фоизи ташкил этса, соннинг бутун қисми 3 хонали, каср қисми 15 хонали сонларда, бўш катаклар чизикча билан «53-.87423-----» кўринишида тўлдирилади.

11. Дастурий таъминот ёрдамида тўлдирилган ва принтерда чоп этилган хабарномани юборишда бўш жойлар учун майдон ва чизиклар бўлмаслиги мумкин. Майдонларнинг жойлашуви ва ўлчамлари ўзгартирилмаслиги керак.

12. Солиқ тўловчи томонидан хабарномалар солиқ бўйича ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига қоғозда ёки телекоммуникация каналлари орқали электрон шаклда ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилиши мумкин.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.08.2020 йилдан кучга кирди. Қарорнинг матни «СБХ»нинг 18.08.2020 йилдаги 33 (1357)-сонида берилган.

**Низомга 1-илова «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотта» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

4-БОБ. ХАБАРНОМАНИНГ ТИТУЛ ВАРАҒИНИ

ТЎЛДИРИШ ТАРТИБИ

13. Хабарнома шаклларидаги «СТИР» майдони ҳар бир варақнинг юқори қисмида такрорланади ва унда хабарномани тақдим этаётган солиқ тўловчининг идентификацион рақами кўрсатилади.

14. «Хужжат тури» майдонида:

«1» рақами тегишли ҳисобот даври учун биринчи марта тақдим этилаётганлигини;
«2» ва ундан кейинги рақамлар тегишли ҳисобот даври учун аниқлаштирилган хабарнома тартиб рақамларини билдиради.

15. «Ҳисобот даври» майдонида хабарнома тақдим этилаётган ой тартиб рақами ва «Солиқ даври» майдонида календарь йил кўрсатилади.

16. «Хабарномани тақдим этишга асослар» майдонида қуйидагиларнинг мос рақамларидан бири кўрсатилади:

«1» рақами – иштирок этиш бошланганда;

«2» рақами – иштирок этиш улуши ўзгарганда.

Солиқ тўловчи томонидан хабарнома тақдим этилгандан сўнг чет эл корхонасидаги иштирок этиш улуши ўзгарган тақдирда тўлдирилади. Шу билан бир қаторда, чет эл корхонасида иштирок этиш улушидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар хабарноманинг тегишли варақларида кўрсатилади.

«3» рақами – иштирок этиш якунланганда.

Солиқ тўловчининг чет эл юридик шахси фаолиятида (юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмасида) иштирок этиш якунланганда тўлдирилади.

«4» рақами – иштирок этиш асослари 2022 йил 1 январьгача юзага келган бўлса.

Иштирок этиш асослари 2022 йил 1 январьгача юзага келган ва чет эл юридик шахси фаолиятида (юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмасида) иштироки якунланмаган солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилади.

«5» рақами – аниқлаштирилган хабарнома тақдим этилганда.

«6» рақами илгари тақдим этилган хабарномада кўрсатилган маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёки мавжуд хатоликлар тузатишга ҳолатда солиқ тўловчи томонидан қайта тақдим этилганда тўлдирилади.

Шу билан бир қаторда, хабарноманинг 3 ёки 4-варақларида кўрсатилган тегишли маълумотлар аниқлаштирилган ҳолда қайта тўлдирилиши лозим.

«6» рақами – иштирок этиш тартиби ўзгарганда (иштирок этиш улушини ўзгартирмаган ҳолда).

«6» рақами чет эл юридик шахси фаолиятида (юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмасида) иштирок этиш тартиби ўзгарган (иштирок этиш улушини ўзгартирмаган) ҳолларда тақдим этилади ва хабарноманинг иштирок этиш тартибининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган тегишли варақлари тўлдирилади.

17. «Солиқ тўловчи тўғрисида маълумотлар» майдонида солиқ тўловчи:

юридик шахслар бўйича таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсининг тўлиқ номи;

жисмоний шахслар бўйича шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида жисмоний шахсининг исми, фамилияси ва отасининг исми (мавжуд бўлса) тўлиқ ёзилади. Бунда жисмоний шахс бўйича маълумотлар 2-варақда кўрсатилади.

18. «Юридик шахсининг жойлашган жойи» майдонида юридик шахсининг жойлашган жойи кўрсатилади.

19. «Почта манзили» майдонида юридик шахсининг жойлашган жойи бўйича почта манзили ёзилади.

20. «Электрон почта манзили» майдонида юридик шахсининг Интернет тармоғида рўйхатда олинган ва актив ҳолатдаги электрон почта манзили кўрсатилади.

21. «Телефон» майдонида солиқ тўловчи ёки унинг вакилининг алоқа учун телефон рақамлари оператор коди билан кўрсатилади.

22. «Хабарномани тақдим этиш муддати (кун/ой/йил)» майдонида хабарнома тақдим этилаётган сана кун, ой, йил шаклида тўлдирилади.

23. «_____га тақдим этилади» майдонида хабарнома тақдим этилаётган давлат солиқ хизмати органининг тўлиқ номи ёзилади.

24. «Мазкур хабарнома _____хужжатлар нусхалари илова қилинган ҳолда варақда тузилди.» майдонида тўлдирилган хабарнома шакллари, «Илова _____ варақда.» майдонида тақдим этилаётган хабарномада илова қилинаётган ва тасдиқловчи ҳужжатлар сони кўрсатилади.

25. Титул варақнинг «Мазкур хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:» бўлимида буш майдонида хабарнома ким томонидан тақдим этилаётган бўлса, «1 – жисмоний шахс», «2 – жисмоний шахс вакили», «3 – корхона раҳбари» ва «4 – корхона вакили»нинг мос рақамларидан бири кўрсатилади:

а) агар хабарнома юридик шахс томонидан тақдим этилаётган бўлса, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида корхона раҳбарининг ёки вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми тўлиқ, солиқ тўловчининг идентификацион рақами, оператор коди билан телефон рақамлари, электрон почта манзили кўрсатилади ҳамда шахсий имзоси ва имзоланган санаси билан тасдиқланади.

б) агар хабарнома солиқ тўловчи – жисмоний шахс, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркор, адвокат, нотариус ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусий амалиёт билан шуғулланадиган бошқа шахслар томонидан тақдим этилганда уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида исми, отасининг исми тўлиқ, солиқ тўловчининг идентификацион рақами, оператор коди билан телефон рақамлари, электрон почта манзили кўрсатилади ва шахсий имзоси билан тасдиқланиб, имзолаган санаси қўйилади.

Хабарнома жисмоний шахс ёки корхона вакили томонидан тақдим этилганда «Солиқ тўловчининг вакили эканлигини тасдиқловчи ҳужжат номи ва реквизитлари» майдонида вакилининг тасдиқловчи ҳужжатлар номи ва унинг реквизитлари тўлиқ кўрсатилиши ва илова қилиниши лозим.

Хабарномани тақдим этаётган корхона раҳбарининг ёки вакилининг ёхуд жисмоний шахс ёки вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми бошқа варақларда ҳам такрорланади ва уларда мазкур шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

26. «Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади» майдонида хабарномани тақдим этиш усуллари, хабарнома варақлари, илова қилинаётган ва тасдиқловчи ҳужжатлар сони, топширилган санаси ва рўйхатдан ўтказилган рақами хабарномани қабул қилган солиқ хизмати ходимининг исми, фамилияси ва отасининг исми (агар бор бўлса) ва имзоси билан тасдиқланади.

5-БОБ. ХАБАРНОМАНИНГ «ЖИСМОНИЙ ШАХС ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР» ВАРАҒИНИ ТЎЛДИРИШ

27. Хабарноманинг «Жисмоний шахс тўғрисида маълумотлар» варағи яқка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахс томонидан тўлдирилади.

28. Маълумотлар жисмоний шахсининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида:

«Фамилияси», «Исми», «Отасининг исми» майдонларида хабарномани тақдим этаётган шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми (агар бор бўлса);

«Тутилган санаси» майдонида тутилган санаси (кун, ой, йил);

«Тутилган жойи» майдонида жисмоний шахсининг тутилган жойи;

«Фуқаролиги» майдонида «1 – Ўзбекистон Республикаси фуқароси», «2 – чет эл фуқароси» ва «3 – фуқаролиги бўлмаган шахс» жисмоний шахс фуқаролигига оид мос рақам;

«Мамлақати коди» майдонида жисмоний шахс фуқаролиги бўлган мамлақатнинг ИСО 3166 «Жаҳон мамлақатлари классификатори» халқаро стандартларига мувофиқ уч рақамли коди ёзиб қўйилади.

назорат қилинадиган чет эл компаниясидаги билвосита иштирокини чет эл корхонасидан фойдаланган ҳолда амалга оширган чет эл корхонасига нисбатан тўлдиради. Бунда солиқ тўловчи назорат қилинадиган чет эл компаниясида тўғридан-тўғри назорат қилувчи шахс сифатида қаралмайди.

Агар солиқ тўловчи ўз иштирокини бир неча чет эл корхоналари орқали амалга оширса, ҳар бир чет эл корхонаси бўйича мазкур варақ алоҳида-алоҳида тўлдирилади.

78. «Чет эл корхонасининг тартиб рақами» майдонида чет эл корхонасига солиқ тўловчи томонидан мустақил ҳолда берилган тартиб рақами кўрсатилади.

Мисол учун,	X	K	-	0	0	0	0	1	.
-------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Бунда «ХК» хорижий корхона маъносини англатади.

Агар солиқ тўловчи назорат қилинадиган чет эл компаниясида Солиқ кодексининг 209-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошига мувофиқ тақдим этилган «Чет эл юридик шахси фаолиятида иштирок этиш (юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмаларини таъсис этиш) тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган чет эл корхоналари орқали иштирок этса, мос ҳолда уларнинг ҳар бирига алоҳида тартиб рақами берилади.

Солиқ тўловчининг чет эл корхонасида иштироки яқунланганда мазкур рақам такроран бошқасига берилмайди.

79. «Чет эл корхонасининг номи» майдонида транслитерация қоидаларига мувофиқ чет эл корхонасининг тўлиқ номи лотин ёзувида ёзилади.

80. «Рўйхатдан ўтган (инкорпорация қилинган) мамлакат коди» майдонида чет эл корхонасини рўйхатдан ўтказган (инкорпорация қилган) мамлакатнинг ИСО 3166 «Жаҳон мамлакатлари классификатори» халқаро стандартларига мувофиқ уч рақамли коди кўрсатилади.

81. «Рўйхатдан ўтган (инкорпорация қилинган) мамлакатдаги рўйхат рақами (агар мавжуд бўлса)» майдонида чет эл корхонасининг рўйхатдан ўтказган (инкорпорация қилинган) мамлакат (ҳудуд)даги солиқ тўловчи сифатидаги коди ёки унинг аналог (агар мавжуд бўлса) рақамлари кўрсатилади.

82. «Рўйхатдан ўтган (инкорпорация қилинган) мамлакатдаги солиқ тўловчининг коди (мавжуд бўлган тақдирда)» майдонида чет эл корхонасининг рўйхатдан ўтказган (инкорпорация қилинган) мамлакат (ҳудуд)даги солиқ тўловчи сифатидаги коди ёки унинг аналог (агар мавжуд бўлса) рақамлари кўрсатилади.

83. «Рўйхатдан ўтган (инкорпорация қилинган) мамлакатдаги манзили (мавжуд бўлган тақдирда)» майдонида чет эл корхонасининг рўйхатдан ўтказган (инкорпорация қилинган) мамлакат (ҳудуд)даги юридик манзили (агар мавжуд бўлса) лотин ёзувида тўлиқ кўрсатилади.

14-БОБ. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

84. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

85. Ушбу Низом талабларига риоя этилишини назорат қилиш давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Низомга 2-ИЛОВА

ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯСИНING НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ШАХСЛАРИ ДЕБ ЎТИРОФ ЭТИШ УЧУН АСОСЛАР КОДЛАРИ

101	Чет эл компаниясида иштирок этиш улуши 25 фойздан ортиқ бўлган юридик ёки жисмоний шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 1-қисми 1-банди)
102	Чет эл компаниясида иштирок этиш улуши 10 фойздан ортиқ бўлган юридик ёки жисмоний шахс, агар барча шахсларнинг иштирок этиш улуши 50 фойздан ортиқ бўлса (Солиқ кодексининг 40-моддаси 1-қисми 2-банди)
103	Солиқ кодексининг 40-моддаси биринчи қисмида белгиланган шартларга риоя этмаган, бироқ чет эл компанияси устидан назоратни ўз шахсий манфаатларини кўзлаб амалга оширган шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 5-қисми)
104	Солиқ кодексининг 40-моддаси биринчи қисмида белгиланган шартларга риоя этмаган, бироқ чет эл компанияси устидан назоратни эри (хотини) манфаатларини кўзлаб амалга оширган шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 5-қисми)
105	Солиқ кодексининг 40-моддаси биринчи қисмида белгиланган шартларга риоя этмаган, бироқ чет эл компанияси устидан назоратни ота-онаси (шу жумладан, фарзандликка олган ота-онаси) манфаатларини кўзлаб амалга оширган шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 5-қисми)
106	Солиқ кодексининг 40-моддаси биринчи қисмида белгиланган шартларга риоя этмаган, бироқ чет эл компанияси устидан назоратни эрининг (хотинининг) ота-онаси манфаатларини кўзлаб амалга оширган шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 5-қисми)
107	Солиқ кодексининг 40-моддаси биринчи қисмида белгиланган шартларга риоя этмаган, бироқ чет эл компанияси устидан назоратни фарзандлари (шу жумладан, фарзандликка олган фарзандлар) манфаатларини кўзлаб амалга оширган шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 5-қисми)
108	Солиқ кодексининг 40-моддаси биринчи қисмида белгиланган шартларга риоя этмаган, бироқ чет эл компанияси устидан назоратни тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган қариндош ака-укалари ва опа-сингиллари манфаатларини кўзлаб амалга оширган шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 5-қисми)
109	Солиқ кодексининг 40-моддаси биринчи қисмида белгиланган шартларга риоя этмаган, бироқ чет эл компанияси устидан назоратни васийси (хомийси) манфаатларини кўзлаб амалга оширган шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 5-қисми)
110	Солиқ кодексининг 40-моддаси биринчи қисмида белгиланган шартларга риоя этмаган, бироқ чет эл компанияси устидан назоратни хомийлигидаги шахс манфаатларини кўзлаб амалга оширган шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 5-қисми)
111	Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмасининг муассиси (асосчиси) бўлган ва тузилманинг фойдасини (даромадини) бевоқифа ёки билвосита тўлиқ ёки қисман олишга (олишни талаб қилишга) ҳақли бўлган шахс (Солиқ кодексининг 40-моддаси 9-қисми 1-банди)

тартиби» varaги назорат қилинадиган чет эл корхонасида солиқ тўловчининг бир ўзи (солиқ резиденти бўлган эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олган ота-онаси), эри (хотини)нинг ота-онаси, фарзандлари (фарзандликка олинган фарзандлари), тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган қариндош ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек, васий (хомий) си ва хомийлигидаги шахслар иштирокисиз) иштирок этган ҳолларда тўлдирилади.

Солиқ тўловчи бир нечта назорат қилинадиган компаниясида билвосита иштирок этиш тақдирда, ҳар бир чет эл корхонаси ва назорат қилинадиган компания бўйича мазкур варақлар алоҳида-алоҳида тўлдирилади.

68. «Солиқ тўловчининг назорат қилинадиган чет эл компанияда билвосита иштирок этиши тўғрисида маълумотлар» бўлимида қуйидагилар кўрсатилади:

«Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг тартиб рақами» майдонида солиқ тўловчи томонидан назорат қилинадиган чет эл компаниясига мустақил ҳолда берилган тартиб рақами;

«Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг номи» майдонида латин ёзувида назорат қилинадиган чет эл компаниясининг ўзбек тилидаги тўлиқ номи;

«Билвосита иштирок этиш улуши – жами, %» майдонида хабарноманинг «Солиқ тўловчининг назорат қилинадиган чет эл компаниясида билвосита иштирок этиши тўғрисида маълумотлар» бўлимида кўрсатилган солиқ тўловчининг барча кетма-кетликлар бўйича мазкур назорат қилинадиган чет эл компаниясида иштирок этиши улушининг фоизларда аниқланган суммаси кўрсатилади.

69. «Билвосита иштирок этиш тартиби» бўлимида солиқ тўловчининг назорат қилинадиган чет эл компаниясида иштирок этиши кетма-кетлиги тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

1) «Иштирок этиш кетма-кетлиги» майдонида хабарноманинг «Назорат қилинадиган чет эл компаниясида билвосита иштирок этиш тўғрисида маълумотлар» бўлимида кўрсатилган назорат қилинадиган чет эл компанияси ва чет эл (Ўзбекистон Республикаси) корхонасида солиқ тўловчининг билвосита иштирок этиши кетма-кетлиги тартиб рақами кўрсатилади. Мазкур рақам солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда белгиланади;

2) «Кетма-кетликда билвосита иштирок этиш улуши – жами, %» майдонида «Назорат қилинадиган чет эл компаниясида билвосита иштирок этиш тўғрисида маълумотлар» бўлимида кўрсатилган назорат қилинадиган чет эл компаниясида солиқ тўловчининг мазкур кетма-кетлик бўйича охириги иштирокчига нисбатан билвосита иштирок этиш улушининг фоизи кўрсатилади.

70. «Кетма-кетликда иштирок этувчилар тўғрисида маълумотлар» майдонида «Иштирок этиш кетма-кетлиги» майдонида келтирилган барча иштирокчилар кетма-кетлиги кўрсатилади.

Биринчи навбатда, тўғридан-тўғри улушга эга бўлган чет эл (Ўзбекистон) корхонаси ёки назорат қилинадиган чет эл компанияси, шу жумладан, солиқ тўловчи томонидан назорат қилинадиган чет эл компаниясида иштирок этишда фойдаланилган юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмаси кўрсатилади.

Охириги бўлиб «Назорат қилинадиган чет эл компаниясида билвосита иштирок этиш тўғрисида маълумотлар» бўлимида кўрсатилган солиқ тўловчи билвосита иштирок этадиган назорат қилинадиган чет эл компанияси кўрсатилади.

«Иштирокчининг тартиб рақами» майдонида мазкур хабарноманинг 3-варағига асосан назорат қилинадиган чет эл компаниясининг, 5-варағига асосан юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмаси ҳисобланган назорат қилинадиган чет эл компанияси, 9-варағига асосан назорат қилинадиган чет эл компаниясида билвосита иштирок этадиган Ўзбекистон корхонаси ва 10-варағига асосан назорат қилинадиган чет эл компаниясида солиқ тўловчи билвосита иштирок этадиган чет эл корхонасининг тартиб рақамлари кўрсатилади.

«Тўғридан-тўғри иштирок этиш улуши, %» майдонида: кетма-кетликнинг биринчи иштирокчисига нисбатан солиқ тўловчининг кейинги чет эл (Ўзбекистон) корхонаси ва (ёки) юридик шахси ташкил этмаган чет эл тузилмаси ёки назорат қилинадиган чет эл компаниясидаги тўғридан-тўғри иштирок этиши улуши кетма-кетлиги кўрсатилади;

кетма-кетликнинг ҳар бир кейинги иштирокчисига нисбатан чет эл (Ўзбекистон) корхонаси ва (ёки) юридик шахси ташкил этмаган чет эл тузилмасидаги ёки назорат қилинадиган чет эл компаниясидаги олдинги иштирокчининг тўғридан-тўғри иштирок этиши улуши фоизларда кўрсатилади.

«Билвосита иштирок этиш улуши, %» майдонида: биринчи иштирокчига майдон тўлдирилмайди; кетма-кетликнинг ҳар бир кейинги иштирокчисига нисбатан солиқ тўловчининг ҳар бир чет эл (Ўзбекистон) корхонаси ва (ёки) юридик шахси ташкил этмаган чет эл тузилмасидаги ёки назорат қилинадиган чет эл компаниясидаги билвосита иштирок этиши улуши фоизларда кўрсатилади.

71. Агар солиқ тўловчи назорат қилинадиган чет эл компаниясида бир нечта кетма-кетлик бўйича иштирок этса, ҳар бир кетма-кетлик учун мазкур варақ алоҳида тўлдирилади.

12-БОБ. ХАБАРНОМАНИНГ «НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИГАН ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯСИДА БИЛВОСИТА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН КОРХОНАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР» ВАРАҒИНИ ТЎЛДИРИШ

72. Хабарноманинг «Назорат қилинадиган чет эл компаниясида билвосита иштирок этадиган Ўзбекистон корхонаси тўғрисида маълумотлар» варағи солиқ тўловчи томонидан назорат қилинадиган чет эл компаниясида билвосита иштирокчи Ўзбекистон Республикаси корхоналари орқали амалга оширилганда тўлдирилади.

Агар солиқ тўловчи назорат қилинадиган чет эл компаниясида бир нечта Ўзбекистон Республикаси корхоналари орқали билвосита иштирок этса, ҳар бир Ўзбекистон Республикаси корхонаси бўйича мазкур варақ алоҳида-алоҳида тўлдирилади.

73. «Ўзбекистон Республикаси корхонасининг тартиб рақами» майдонида солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда берилган Ўзбекистон корхонасининг тартиб рақами кўрсатилади.

Мисол учун,	U	Z	B	-	0	0	0	0	1	.
-------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Агар солиқ тўловчи назорат қилинадиган компанияда Солиқ кодексининг 209-моддаси биринчи қисми иккинчи ҳатбошисига асосан тақдим этилган «Чет эл юридик шахси фаолиятида иштирок этиш (юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмаларини таъсис этиш) тўғрисида»ги хабарномада кўрсатилган бир нечта Ўзбекистон корхонаси орқали иштирок этса, уларнинг ҳар бирига мос ҳолда алоҳида тартиб рақами берилadi. Берилган рақам иштирок этиш даврида ўзгартирилмайди.

Иштирок этиш яқунланган тақдирда, мазкур рақам бошқа Ўзбекистон корхонасига тақдоран берилмайди.

74. «Корхонанинг давлат рўйхатидан ўтган асосий рақами» майдонида Ўзбекистон корхонасининг давлат рўйхатига олинган рақам кўрсатилади.

75. «СТИР» майдонида мос ҳолда солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтган давлат солиқ хизмати органидаги солиқ тўловчининг идентификация рақами қўйилади.

76. Тўлиқ номи» майдонида таъсис ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон корхонасининг тўлиқ номи ёзилади.

13-БОБ. ХАБАРНОМАНИНГ «НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИГАН ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯСИДА СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ БИЛВОСИТА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР» ВАРАҒИНИ ТЎЛДИРИШ

77. Хабарноманинг «Назорат қилинадиган чет эл компаниясида солиқ тўловчи билвосита иштирок этадиган чет эл корхонаси тўғрисида маълумотлар» варағи солиқ тўловчи

«Шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар» майдонида;

«Хужжат тури» майдонида кўрсатилган ҳужжат турларининг мос рақами;

«Серияси» майдонида ҳужжат серияси;

«Рақами» майдонида ҳужжат рақами;

«Берилган вақти» майдонида ҳужжатнинг берилган вақти;

«Ким томонидан берилган» майдонида шахсини тасдиқловчи ҳужжатни берган орган номи кўрсатилади.

29. «Чет эл фуқаросининг (фуқаролиги бўлмаган шахсининг) доимий яшайдиган мамлакатдаги яшаш манзили» чет эл фуқаросининг (фуқаролиги бўлмаган шахсининг) доимий яшайдиган мамлакатдаги яшаш манзили, «Мамлакат коди» майдонида чет эл фуқаросининг (фуқаролиги бўлмаган шахсининг) фуқаролиги бўлган мамлакатнинг ИСО 3166 «Жаҳон мамлакатлари классификатори» халқаро стандартларига мувофиқ уч рақамли коди кўрсатилади.

6-БОБ. ХАБАРНОМАНИНГ «ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР» ВАРАҒИНИ ТЎЛДИРИШ

30. Хабарноманинг «Чет эл юридик шахси тўғрисида маълумотлар» varaғи солиқ тўловчи чет эл корхонасида тўғридан-тўғри, билвосита ёки аралаш иштирок этган ҳолларда тўлдирилади.

Агар солиқ тўловчи бир нечта чет эл корхоналарида иштирок этса, ҳар бир чет эл корхонаси бўйича мазкур varaқлар алоҳида-алоҳида тўлдирилади.

31. Хабарномаларнинг «Чет эл юридик шахсининг тартиб рақами» майдонида солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда чет эл корхонасига берилган тартиб рақами қўйилади.

Мисол учун, ХК – 00001. Бунда «ХК» – хорижий корхона маъносини англатади.

Агар солиқ тўловчи бир нечта чет эл корхонаси фаолиятида иштирок этса, уларнинг ҳар бирига битта тартиб рақами берилadi. Рақамлаш санoқ тартибда изчил кетма-кетлик асосида амалга оширилади ва иштирок этиш даврида ўзгаририлмайди.

Иштирок этиши яқунланганда мазкур рақам бошқа корхонага такроран берилмайди.

32. Хабарноманинг «Тўлиқ номи» майдонида транслитерация қоидаларига мувофиқ чет эл корхонасининг тўлиқ номи лотин ёзувида ёзилади.

33. «Рўйхатдан ўтказилган (инкорпорация қилинган) мамлакат коди» майдонида ушбу чет эл корхонасининг рўйхатдан ўтказган (инкорпорация қилган) ва солиқ резиденти ҳисобланган мамлакат (давлат, ҳудуд)нинг ИСО 3166 «Жаҳон мамлакатлари классификатори» халқаро стандартларига мувофиқ уч рақамли коди кўрсатилади.

«Солиқ резиденти мамлакатининг коди» майдони ушбу чет эл корхонасининг солиқ резиденти ҳисобланган мамлакат (давлат, ҳудуд) ИСО 3166 «Жаҳон мамлакатлари классификатори» халқаро стандартлари бўйича рўйхатдан ўтказган (инкорпорация қилган) мамлакат (давлат, ҳудуд)дан фарқ қилган ҳолларда тўлдирилади.

34. «Чет эл корхонаси рўйхатдан ўтган сана» майдонида чет эл корхонасининг ўз мамлакатига рўйхатдан ўтган санаси ёзилади.

35. «Рўйхатдан ўтказилган (инкорпорация қилинган) мамлакатдаги рўйхат рақами» майдонида ушбу чет эл корхонасини рўйхатдан ўтказган (инкорпорация қилган) давлат томонидан берилган рақам кўрсатилади.

36. «Рўйхатдан ўтказилган (инкорпорация қилинган) мамлакатдаги солиқ тўловчининг коди ёки аналоглари (агар мавжуд бўлса)» майдонида ушбу чет эл корхонасининг рўйхатдан ўтказган (инкорпорация қилган) мамлакатдаги солиқ тўловчи сифатидаги коди ёки ўхшаш (агар мавжуд бўлса) рақамлари кўрсатилади.

37. «Солиқ резиденти бўлган мамлакатдаги солиқ тўловчининг коди ёки аналоглари (агар мавжуд бўлса)» майдони ушбу чет эл корхонасининг солиқ резиденти бўлган мамлақати

рўйхатдан ўтказган (инкорпорация қилган) мамлакатдан фарқ қилган ҳолларда тўлдирилади.

38. «Рўйхатдан ўтказилган (инкорпорация қилинган) мамлакатдаги манзили (агар мавжуд бўлса)» майдонида чет эл корхонасининг рўйхатдан ўтказган (инкорпорация қилган) мамлакатдаги манзили (агар мавжуд бўлса) лотин ёзувида тўлиқ кўрсатилади.

39. «Иштироки» майдонининг бўш хонасига солиқ тўловчининг чет эл корхонасида кўрсатилган иштирок этиш тартиб-ларига мос келадиган рақамлардан бири қўйилади:

«1» рақами – тўғридан-тўғри иштирок этганда;

«2» рақами – билвосита иштирок этганда;

«3» рақами – аралаш (бир вақтнинг ўзига тўғридан-тўғри ва билвосита) иштирок этганда.

40. «Иштирок этиш юзага келган сана» майдонида солиқ тўловчининг чет эл корхонаси фаолиятида иштирок этиши бошланган сана кўрсатилади.

Хабарномани тўлдиришда солиқ тўловчининг иштироки 2022 йил 1 январгача бошланган бўлса, 01.01.2022 кўрсатилади.

41. «Иштирок этиш улуши (тартиби) ўзгарган сана» майдонида солиқ тўловчининг чет эл корхонаси фаолиятида иштирок этиш улуши ёки тартиби (қатнашиш усулини ўзгартирмасдан) ўзгарган сана кўрсатилади.

Мазкур майдон хабарноманинг титул varaғида иштирок этиш асосларида «2» ва «3» рақамлари кўрсатилган ҳолларда тўлдирилади.

42. «Иштирок этиш улуши, %» майдонида солиқ тўловчи чет эл корхонаси фаолиятида тўғридан-тўғри ва билвосита иштирок этган тақдирда, фоиз ҳисобидagi улуши, аралаш иштирок этган ҳолларда аралаш (тўғридан-тўғри ва билвосита) иштирок этиш улушининг суммаси кўрсатилади.

43. «Иштирок этиш яқунланиши санаси» майдонида солиқ тўловчининг чет эл корхонаси фаолиятида иштирок этиши тугайдиган сана кўрсатилади. Мазкур майдон хабарноманинг титул varaғида иштирок этиш асосларида «3» кўрсатилган ҳолларда тўлдирилади.

Иштирок этиш бошланиши ёки иштирок этиш улушининг ўзгарганига ҳақидаги хабарнома шаклини тўлдиришда мазкур майдон тўлдирилмайди.

7-БОБ. ХАБАРНОМАНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРХОНАСИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР» ВАРАҒИНИ ТЎЛДИРИШ

44. Хабарноманинг «Ўзбекистон Республикаси корхонаси тўғрисида маълумотлар» varaғи солиқ тўловчи чет эл корхонасида иштирокини Ўзбекистон Республикаси корхонаси орқали амалга оширган корхонага нисбатан тўлдирилади.

Агар солиқ тўловчи чет эл корхонасида иштирокини бир нечта Ўзбекистон Республикаси корхоналари орқали амалга оширса, мазкур varaқ ҳар бир корхона учун алоҳида-алоҳида тўлдирилади.

45. «Ўзбекистон Республикаси корхонасининг тартиб рақами» майдонида солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда берилган Ўзбекистон корхонасининг тартиб рақами кўрсатилади.

Мисол учун:

Агар солиқ тўловчи чет эл корхонасидаги иштирокини бир нечта Ўзбекистон корхонаси орқали амалга оширса, ҳар бир корхонага алоҳида тартиб рақами берилadi.

Рақамлар санoқ тартибда кетма-кетлик асосида берилadi ва иштирок этиш даврида ўзгаририлмайди.

Солиқ тўловчининг Ўзбекистон корхонаси орқали иштирок этиши яқунланган тақдирда, мазкур рақам бошқа Ўзбекистон корхонасига такроран берилмайди.

46. «Корхонанинг давлат рўйхатидан ўтган асосий рақами» майдонида Ўзбекистон корхонасининг давлат рўйхатига олинган рақами кўрсатилади.

47. «СТИР» майдонида Ўзбекистон корхонасининг рўйхатдан ўтган давлат солиқ хизмати органидаги солиқ тўловчининг идентификацион рақами қўйилади.

48. Тўлиқ номи» майдонида таъсис ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон корхонасининг тўлиқ номи ёзилади.

8-БОБ. ХАБАРНОМАНИНГ «ЮРИДИК ШАХС ТАШКИЛ ЭТМАГАН ҲОЛДА ЧЕТ ЭЛ ТУЗИЛМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР» ВАРАҒИНИ ТЎЛДИРИШ

49. Хабарноманинг «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмалари тўғрисида маълумотлар» варағи қуйидаги ҳолларда:

а) агар солиқ тўловчи юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси муассиси бўлганда;

б) агар солиқ тўловчи чет эл корхонасида юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси орқали иштирок этганда тўлдирилади.

Агар солиқ тўловчи чет эл корхонасида бир нечта юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмалари орқали иштирок этганда хабарномаларнинг мазкур варағи ҳар бир чет тузилмаси бўйича алоҳида-алоҳида тўлдирилади.

Бир вақтнинг ўзида мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларидаги асослар мавжуд бўлган ҳолларда, бундай чет эл тузилмасига нисбатан битта тўлдирилади.

50. «Чет эл тузилмасининг тартиб рақами» майдонида солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда берилган чет эл тузилмасининг тартиб рақами кўрсатилади.

Мисол учун	X	T	-	0	0	0	0	1
------------	---	---	---	---	---	---	---	---

Бунда «ХТ» хорижий тузилма маъносини англатади.

Агар солиқ тўловчи бир нечта юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси муассиси ҳисобланса, ҳар бир чет эл тузилмасига битта тартиб рақами берилади.

Агар солиқ тўловчи чет эл корхонасида бир нечта юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмалари орқали иштирок этганда, ҳар бир юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси ўзининг тартиб рақамига эга бўлади.

Тартиб рақамлари санок тартибда изчил кетма-кетлик асосида берилади ва чет эл корхонасида иштирок этиш мuddати давомида ўзгартирилмайди.

Бир вақтнинг ўзида мазкур Низомнинг 53-банди «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган ҳолларда юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасига битта рақам берилади ҳамда иштирок этиш якунланган тақдирда такроран берилмайди.

51. «Чет эл тузилмаси тўғрисида маълумот тақдим этишга асослар» бўлимини тўлдиришда:

«Муассис» майдонига:

агар солиқ тўловчи юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси муассиси бўлмаган ҳолларда «0» рақами;

агар, солиқ тўловчи юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси муассиси бўлган ҳолларда «1» рақами қўйилади.

«Назорат қилувчи шахс» майдонига:

агар солиқ тўловчи юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси назорат қилувчи шахси ҳисобланмаган ҳолларда – «0» рақами;

агар солиқ тўловчи юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси назорат қилувчи шахси ҳисобланса – «1» рақами қўйилади.

52. «Чет эл тузилмаси тўғрисида маълумотлар» бўлимида:

«Ташкилий тузилмаси шакли (коди)» майдонига қуйидаги кўрсатилганлардан бирининг мос рақами қўйилади:

«1» – жамғарма;

«2» – шериклик;

«3» – ширкат;

«4» – траст;

«5» – жамовий инвестиция ва (ёки) ишончли бошқарувнинг бошқа шакллари.

«Чет эл тузилмаси номи» майдонида юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси номи лотин ёзувида кўрсатилади. Номи мавжуд бўлмаган ҳолларда чет эл давлатлари

қонунчилиги ва (ёки) таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасининг ташкилий шаклини идентификация қилиш имконини берувчи ахборотлар келтирилади.

«Чет эл тузилмасини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжат номи ва рекевизитлари» майдони чет эл тузилмасини таъсис этиш тўғрисидаги ҳужжатлар номи ва унинг рекевизитлари ўзбек тилида кўрсатилади.

«Чет эл тузилмасининг ташкил топган (рўйхатдан ўтган) вақти» майдонида юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасининг хорижий давлатда ташкил этилган (рўйхатдан ўтказилган) (агар рўйхатдан ўтказилган бўлса) санаси кўрсатилади. Хабарноманинг титул варағида «Хабарномани тақдим этишга асослар»ида «4» кўрсатилган бўлса, 01.01.2022 қўйилади.

«Чет эл тузилмаси ташкил этилган мамлакат коди» майдонида ИСО 3166 «Жаҳон мамлакатлари классификатори» халқаро стандартларига мувофиқ чет эл тузилмаси ташкил этилган мамлакатнинг уч рақамли коди кўрсатилади.

«Чет эл тузилмасининг ташкил топган (рўйхатдан ўтган) мамлакатда рўйхатга олинган (ёки идентификация қилувчи бошқа) рақами» майдонида чет эл тузилмасининг ташкил этилган мамлакатда рўйхатга олинган рақами ёки идентификация қилувчи бошқа рақами мавжуд бўлса, уша рақам кўрсатилади.

«Чет эл тузилмасини идентификация қилувчи бошқа маълумотлар» майдони чет эл тузилмасини идентификация қилувчи бошқа маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда тўлдирилади.

Чет эл тузилмасини идентификация қилишда солиқ тўловчи томонидан хабарноманинг ушбу варағидаги «Муассис» ёки «Назорат қилувчи шахс» майдонлари тўлдиришда «1» рақами қўйилган ёхуд «Чет эл тузилмасини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжат номи ва рекевизитлари» майдонини тўлдиришга маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда тўлдирилиши шарт.

53. «Чет эл тузилмаси ҳақида хабарномани тақдим этиш учун асослар юзага келган сана» майдонида юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси ҳақидаги хабарномани тақдим этишга асос юзага келган сана кўрсатилади. Хабарномани тақдим этишга бир ёки бир нечта асослар мавжуд бўлган ҳолларда мазкур варақда кўрсатилган биринчи сана қўйилади.

54. «Иштирок этиш улуши, %» майдони солиқ тўловчи томонидан хабарноманинг 3-варағида кўрсатилган чет эл корхонасининг устав фондида юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси орқали иштирок этган ҳолларда тўлдирилади. Бунда «Иштирок этиш улуши, %» майдонида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 38-моддаси тўртинчи қисмида белгиланган тартибда аниқланган солиқ тўловчининг чет эл корхонаси устав фондида юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси орқали билвосита иштирок этиши улуши кўрсатилади.

55. «Чет эл тузилмаси ҳақида хабарномани тақдим этиш учун асослар туташ санаси» майдонида «Чет эл тузилмаси тўғрисида маълумот тақдим этишга асослар» майдонида кўрсатилган бўлса, солиқ тўловчининг юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасида муассис ёки назорат қилувчи шахс мақомини йўқотган сана кўрсатилади.

9-БОБ. ХАБАРНОМАНИНГ «СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНING ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСИДА БИЛВОСИТА ИШТИРОК ЭТИШИ ТАРТИБИ» ВАРАҒИНИ ТЎЛДИРИШ

56. Хабарноманинг «Солиқ тўловчининг чет эл юридик шахсида билвосита иштирок этиш тартиби» варағи солиқ тўловчининг чет эл юридик шахсида билвосита иштирок этиши тартибини аниқлаш мақсадида тўлдирилади.

Агар хабарнома солиқ тўловчи билвосита иштирок этаётган бир нечта чет эл корхонасига нисбатан тақдим этилаётган бўлса, ҳар бир чет эл корхонаси бўйича мазкур варақлар алоҳида-алоҳида тўлдирилади.

57. «Солиқ тўловчининг чет эл юридик шахсида билвосита иштирок этиши тўғрисида маълумотлар» бўлимида қуйидагилар кўрсатилади:

«4» – траст;
«5» – жамоавий инвестиция ва (ёки) ишончли бошқару-нинг бошқа шакллари.

48. «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузил-маси номи» майдонида юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси номи лотин ёзувида кўрсатилади. Номи мавжуд бўлган ҳолларда чет эл давлатлари қонунчили-ги ва (ёки) таъсис ҳужжатлари мувофиқ юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасининг ташкилий шаклини идентификация қилиш имконини берувчи ахборотлар келтирилади.

49. «Юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилма-сини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжат номи ва рекузитлари» майдонида юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмасини таъсис этиш тўғрисидаги ҳужжат номи ва унинг рекузитлари (мавжуд бўлган ҳолларда) ўзбек тилида лотин ёзувида тўлдирилади.

50. «Ташкил топган (руйхатдан ўтган) санаси» майдонида юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмасининг хорижий давлатда ташкил этилган (руйхатдан ўтказилган) (агар руйхатдан ўтказилган бўлса) санаси кўрсатилади.

51. «Ташкил топган (руйхатдан ўтган) мамлакат коди» май-дониди ИСО 3166 «Жаҳон мамлакатлари классификатори» халқаро стандартларига мувофиқ ушбу чет эл тузилмаси мамлакатининг уч рақамли коди кўрсатилади.

52. «Ташкил топган (руйхатдан ўтган) мамлакатдаги руйхат рақами (ёки бошқа идентификатор) (агар мавжуд бўлса)» май-дониди ушбу чет эл тузилмасининг ташкил этилган (руйхатдан ўтказилган) (агар руйхатдан ўтказилган бўлса) мамлакатдаги руйхат рақами ёки бошқа идентификатор рақамлари (мавжуд бўлган ҳолларда) кўрсатилади.

53. «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузил-масини идентификация қилувчи бошқа маълумотлар» майдони чет эл тузилмасини идентификация қилувчи бошқа маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда тўлдири-лади.

9-БОБ. ХАБАРНОМАНИНГ «СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИ ЮРИДИК ШАХС ТАШКИЛ ЭТМАГАН ҲОЛДА ЧЕТ ЭЛ ТУЗИЛМАСИ ҲИСОБЛАНГАН НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИГАН ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯСИНING НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ШАХСИ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИШ УЧУН АСОСЛАР» ВАРАГИНИ ТЎЛДИРИШ

54. Хабарноманинг «Солиқ тўловчини юридик шахс таш-кил этмаган ҳолда чет эл тузилмаси ҳисобланган назорат қилинадиган чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этиш учун асослар» ва-раги солиқ тўловчи ушбу хабарноманинг 5-варагида ўзини юридик шахс ташкил этма-ган ҳолда чет эл тузилмаси ҳисобланган назорат қилинадиган чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб кўрсатган бўлса тўлдирилади.

55. «Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг тартиб рақами» майдонида ушбу хабарноманинг 5-варагида қайд қилинган назорат қилинадиган чет эл компаниясининг тартиб рақами кўрсатилади.

56. «Солиқ тўловчини назорат қилинадиган чет эл компа-ниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этиш учун асослар» майдонида мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахслари деб эътироф этиш учун асосларнинг тегишли коди кўрсатилади;

Агар солиқ тўловчи тегишли код қаршида «1» рақамини кўрсатганда солиқ тўловчи муносабатларида бажарилмай-диган ва/ёки бажарилганлиги ҳолати инобатга олинмаган тегишли асос коди қаршида «0» ёки «2» рақамини кўрсатиш ваколатига эга.

57. «Мустақил равишда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмаси назорат қилувчи шахси деб эътироф этиш» майдонида «0» ёки «1» рақами, «1» рақами Солиқ кодексининг 40-моддаси ўн учинчи қисмига мувофиқ Ўз-бекистон Республикасининг солиқ резиденти мустақил равишда ўзини юридик шахсни ташкил этмаган чет эл

тузилмасининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этган ҳолларда қўйилади.

Солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда чет эл кор-хонаси назорат қилувчи шахси деб эътироф этилганда «Со-лиқ тўловчини назорат қилинадиган чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этиш учун асослар» майдони мазкур Низомнинг 71-бандида кўрсатилган тартибда тўлдирилади.

58. «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл ту-зилмасининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этиш тўғрисидаги асосларнинг бажарилганлигини тасдиқловчи (тасдиқланган ҳужжатлар номи ва рекузитлари) майдонида солиқ тўловчини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмасининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этиш тўғрисидаги асосларнинг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат(лар) номи, шунингдек, у(лар)нинг рақами ва санаси кўрсатилади.

10-БОБ. ХАБАРНОМАНИНГ «НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИГАН ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯСИНING МОЛИАВИЙ ҲИСОБОТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР» ВАРАГИНИ ТЎЛДИРИШ

59. Хабарноманинг «Назорат қилинадиган чет эл компа-ниясининг молиявий ҳисоботи тўғрисида маълумотлар» ва-раги мазкур хабарноманинг 3 ва 5-варақларида кўрсатил-ган назорат қилинадиган чет эл компанияларининг молиявий ҳисоботларига нисбатан тўлдирилади.

60. «Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг тартиб рақами» майдонида мазкур хабарноманинг 3 ва 5-варақлари-да кўрсатилган назорат қилинадиган чет эл компанияларининг тартиб рақамлари кўрсатилади.

61. «Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фой-дасини аниқлаш» майдонида назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдаси:

Солиқ кодексининг 331-моддаси 1-қисми «1» кичик банди асосида аниқланганда «1» рақами;

Солиқ кодексининг 331-моддаси 1-қисми «2» кичик банди асосида аниқланганда «2» рақами кўрсатилади.

62. «Молиявий ҳисобот тузиладиган даврнинг охири куни» майдонида назорат қилинадиган чет эл компаниясининг молия йили учун молиявий ҳисобот тузиладиган даврнинг туғаси санаси кўрсатилади.

63. «Молия йили учун молиявий ҳисобот тузилган сана» майдонида назорат қилинадиган чет эл компаниясини томони-дан молиявий ҳисобот тузилган сана кўрсатилади.

64. «Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдаси аниқланадиган даврнинг охири санаси» майдонида Солиқ кодексининг 331-моддаси биринчи қисми «2» кичик бандига мувофиқ назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фой-даси аниқланадиган охири сана кўрсатилади.

65. «Аудиторлик хулосаси тузилган сана» майдонида назо-рат қилинадиган чет эл компаниясининг шахсий қонунда ёки таъсис (корпоратив) ҳужжатларида молия йилида молиявий ҳисоботлар мажбурий тартибда аудит текшируви ўтказилиши белгиланган ёки ихтиёрий равишда аудит текшируви ўтқа-зилган бўлса, молиявий ҳисоботлар бўйича тузилган аудит хулосаси санаси кўрсатилади.

66. «Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойда-сини солиқ солишдан озод қилиш учун асослар» майдонида назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдасини со-лиқдан озод қилиш учун мазкур Низомга 4-иловада кўрсати-лган асосларнинг тегишли кодларига «0» ёки «1» рақамлари қўйилади.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдасини солиқдан озод қилишга бир нечта асослар тўғри келганда, унинг қаршига «1» рақами қўйилади.

11-БОБ. ХАБАРНОМАНИНГ «СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИГАН ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯСИДА БИЛВОСИТА ИШТИРОК ЭТИШИ ТАРТИБИ» ВАРАҚЛАРИНИ ТЎЛДИРИШ

67. Хабарноманинг «Солиқ тўловчининг назорат қили-надиган чет эл компаниясида билвосита иштирок этиши

40. «Рўйхатдан ўтган (инкорпорация қилинган) мамлакат (ҳудуд)даги манзили (агар мавжуд бўлса)» майдонида чет эл корхонасининг рўйхатдан ўтказган (инкорпорация қилинган) мамлакат (ҳудуд)даги манзили (агар мавжуд бўлса) лотин ёзувида тўлдирилади.

7-БОБ. ХАБАРНОМАНИНГ «СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИГАН ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯСИНING НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ШАХСИ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИШ УЧУН АСОСЛАР» ВАРАҒИНИ ТЎЛДИРИШ

41. Мазкур варақ солиқ тўловчи томонидан хабарноманинг 3-варағида назорат қилинадиган чет эл компанияси тўғрисида маълумотлар кўрсатилган ҳолларда тўлдирилади.

42. «Умумий маълумотлар» бўлимида:

1) «Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг тартиб рақами» майдонида хабарноманинг 3-варағидаги кўрсатилган чет эл компаниясининг тартиб рақами;

2) «Солиқ тўловчини назорат қилинадиган чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этиш учун асослар» майдонида мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этиш учун асосларнинг тегишли коди кўрсатилади;

Агар солиқ тўловчи тегишли код қаршисида «1» рақамини кўрсатганда солиқ тўловчи муносабатларида бажарилмайдиган ва/ёки бажарилганлиги ҳолати инobatта олинмаган тегишли асос коди қаршисида «0» ёки «2» рақамини кўрсатиш ваколатига эга.

3) «Мустақил равишда чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этиш» майдонида мос ҳолда «0» ёки «1» рақами, «1» рақами Солиқ кодексининг 40-моддасининг биринчи қисми ёки бешинчи қисмида кўрсатилган асосларга қўра Ўзбекистон Республикаси солиқ резиденти ўзини мустақил ҳолда чет эл компанияси назорат қилувчи шахси деб эътироф этган ҳолларда кўрсатилади.

Мустақил равишда чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этилганда «Солиқ тўловчини назорат қилинадиган чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этиш учун асослар» майдони мазкур банднинг «2» кичик бандига мувофиқ тўлдирилади.

43. «Чет эл корхонасида иштирок этиши тўғрисида маълумотлар» бўлими чет эл корхонасида иштироки солиқ тўловчи чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этилган ҳолларда тўлдирилади:

1) «Иштирок этиш тури» майдонида мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ чет эл корхонасида иштирок этиш турлари кодларига мос ҳолда «0» ёки «1» рақами, солиқ тўловчига нисбатан бир неча асослар мос келган ҳолларда тегишли код қаршисида «1» рақами қўйилади.

2) «Иштирок этиш тури» майдони 205-код «Солиқ тўловчини назорат қилинадиган чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этиш учун асослар»да фақат 102-код кўрсатилганда тўлдирилади.

3) «Тўғридан-тўғри иштирок этиш улуши, %» майдонида солиқ тўловчи чет эл корхонасида тўғридан-тўғри ягона иштирокчи бўлган ҳолларда, шу жумладан, ягона иштироки аралаш (тўғридан-тўғри ва билвосита) амалга оширилгандаги улуши кўрсатилади. Агар, тўғридан-тўғри ягона иштирокчи бўлмаган ҳолларда, «0» қўйилади;

4) «Билвосита иштирок этиш улуши, %» майдонида солиқ тўловчи чет эл корхонасида билвосита ягона иштирокчи бўлган ҳолларда, шу жумладан, ягона иштироки аралаш (тўғридан-тўғри ва билвосита) амалга оширилгандаги улуши кўрсатилади. Агар, солиқ тўловчи чет эл корхонасида билвосита ягона иштирокчи бўлмаса, «0» қўйилади;

5) «Аралаш иштирок этиш улуши, %» майдонида солиқ тўловчининг чет эл корхонасидаги ягона аралаш ҳолда тўғридан-тўғри ва билвосита иштирокининг умумий улуши миқдори кўрсатилади;

6) «Эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олган ота-онаси), эри (хотини)нинг ота-онаси, фарзандлари (фарзандликка олинган фарзандлари), тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган қариндош

ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек, васий (ҳомий) си ва ҳомийлигидаги шахс билан биргаликда иштирок этиш улуши, %» майдонида солиқ тўловчи чет эл корхонасида эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олган ота-онаси), эри (хотини)нинг ота-онаси, фарзандлари (фарзандликка олинган фарзандлари), тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган қариндош ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек, васий (ҳомий) си ва ҳомийлигидаги шахс билан биргаликда иштирок этган ҳоллардаги улуши кўрсатилади.

Мазкур майдон «Иштирок этиш тури» майдонида 204-код танланган ҳолларда тўлдирилади;

7) «Ўзбекистон Республикаси солиқ резиденти билан биргаликда иштирок этиш улуши, %» майдонида солиқ тўловчи чет эл корхонасидаги иштироки эри (хотини)нинг, ота-онаси (фарзандликка олган ота-онаси), эри (хотини)нинг ота-онаси, фарзандлари (фарзандликка олинган фарзандлари), тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган қариндош ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек, васий (ҳомий) си ва ҳомийлигидаги шахс бўлмаган Ўзбекистон Республикаси солиқ резиденти билан иштирок этган ҳоллардаги улуши кўрсатилиб, мазкур майдон «Иштирок этиш тури» майдонида 205-код танланган ҳолларда тўлдирилади.

44. «Чет эл корхонаси назорати тўғрисида маълумотлар» бўлими Солиқ кодекси 40-моддасининг бешинчи қисмида кўрсатилган асосларга қўра чет эл компанияси назорат қилувчи шахси деб эътироф этилган ҳолларда тўлдирилади.

«Асослар (ҳужжатнинг номи ва реквизитлари)» майдонида солиқ тўловчи чет эл компанияси назорат қилувчи шахси деб эътироф этилган ҳолда номи, шунингдек, рақами ва санаси кўрсатилади.

8-БОБ. ХАБАРНОМАНИНГ «ЮРИДИК ШАХС ТАШКИЛ ЭТМАГАН ҲОЛДА ЧЕТ ЭЛ ТУЗИЛМАСИ ҲИСОБЛАНГАН НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИГАН ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР» ВАРАҚЛАРИНИ ТЎЛДИРИШ

45. Хабарноманинг «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмаси ҳисобланган назорат қилинадиган чет эл компаниялари тўғрисида маълумотлар» варағи юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмаси ҳисобланган назорат қилинадиган чет эл компаниясига нисбатан тўлдирилади.

Агар солиқ тўловчи юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмаси ҳисобланган бир неча назорат қилинадиган чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этилганда ҳар бир чет эл тузилмаси бўйича хабарноманинг мазкур варағи алоҳида-алоҳида тўлдирилади.

46. «Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг тартиб рақами» майдонида солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда берилган чет эл тузилмасининг тартиб рақами кўрсатилади.

Мисол учун,	X	T	-	0	0	0	0	1	.
-------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Бунда «ХТ» хорижий тузилма маъносини англатади.

Агар солиқ тўловчи чет эл корхонасининг назорат қилинадиган чет эл компаниясида иштирок этса ва у тўғрисидаги маълумотлар Солиқ кодексининг 209-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошисига мувофиқ «Чет эл юридик шахси фаолиятида иштирок этиш (юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмаларини таъсис этиш) тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган бўлса, ҳар бир назорат қилинадиган чет эл компаниясига чет эл корхонасига мос ҳолда тартиб рақами берилди.

Солиқ тўловчининг назорат қилинадиган чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси мақоми тугатилганда (яқунланганда) мазкур рақам тақдоран бошқасига берилмайди.

47. «Ташкилий тузилмаси шакли (коди)» майдонида қуйидагиларнинг мос рақамларидан бири қўйилади:

- «1» – жамғарма;
- «2» – шерклик;
- «3» – ширкат;

«Чет эл юридик шахсининг тартиб рақами» майдонида хабарноманинг 3-варағида кўрсатилган солиқ тўловчи томонидан чет эл юридик шахсига мустақил ҳолда берилган тартиб рақами;

«Тўлик номи» майдонида лотин ёзувида чет эл корхонасида лотин ёзувидаги тўлик номи;

«Билвосита иштирок этиш улуши – жами, %» майдонида хабарноманинг «Солиқ тўловчининг чет эл юридик шахсида билвосита иштирок этиши тўғрисида маълумотлар» бўлимида кўрсатилган солиқ тўловчининг барча кетма-кетлик бўйича мазкур чет эл корхонасида иштирок этиши улушининг фоизларда ифодаланган суммаси кўрсатилади.

58. «Билвосита иштирок этиш тартиби» бўлимида солиқ тўловчининг чет эл (Ўзбекистон) корхоналари ва (ёки) юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмалари орқали чет эл корхонасида иштирок этиши кетма-кетлиги тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

«Иштирок этиш кетма-кетлиги тартиб рақами» майдонида хабарноманинг «Солиқ тўловчининг чет эл корхонасида билвосита иштирок этиши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимида кўрсатилган чет эл корхонасида солиқ тўловчининг чет эл (Ўзбекистон) корхонаси ва (ёки) юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси орқали иштирок этиши кетма-кетлиги тартиб рақами кўрсатилади. Мазкур рақам солиқ тўловчи томонидан мустақил белгиланади, агар билвосита иштирок этиш бир нечта кетма-кетликка амалга оширилса, ҳар бир кетма-кетликка алоҳида рақам берилади.

«Кетма-кетликка билвосита иштирок этиш улуши – жами, %» майдонида «Солиқ тўловчининг чет эл корхонасида билвосита иштирок этиши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимида кўрсатилган чет эл корхонасида солиқ тўловчининг кетма-кетлик бўйича бевосита иштирок этиши улушининг фоизи кўрсатилади.

«Кетма-кетликка иштирок этувчилар тўғрисида маълумотлар» майдонида «Иштирок этиш кетма-кетлиги» майдонида келтирилган барча иштирокчилар кетма-кетлиги кўрсатилади.

Биринчи навбатда, солиқ тўловчи тўғридан-тўғри улушга эга бўлган чет эл (Ўзбекистон) корхонаси ва (ёки) юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси кўрсатилади.

Кетма-кетлик охирида «Солиқ тўловчининг чет эл корхонасида билвосита иштирок этиши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимида кўрсатилган солиқ тўловчи билвосита иштирок этадиган чет эл корхонаси кўрсатилади.

«Иштирокчи тартиб рақами» майдонида хабарноманинг 3-варағида кўрсатилган чет эл корхонаси, 4-варағида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси корхонаси, 5-варағида кўрсатилган юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмасининг тартиб рақамлари мос ҳолда кўрсатилади.

«Тўғридан-тўғри иштирок этиш улуши, %» майдонида: кетма-кетликнинг биринчи иштирокчисига нисбатан солиқ тўловчининг кейинги чет эл (Ўзбекистон) корхонаси ва (ёки) юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмасидаги тўғридан-тўғри иштирок этиши улушининг фоизи кўрсатилади.

Кетма-кетликнинг навбатдаги ҳар бир кейинги иштирокчисига нисбатан олдинги иштирокчининг кейинги чет эл (Ўзбекистон) корхонаси ва (ёки) юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасидаги тўғридан-тўғри иштирок этиши улушининг фоизи кўрсатилади.

«Билвосита иштирок этиш улуши, %» майдонида:

биринчи иштирокчига майдон тўлдирилмайди; кетма-кетликнинг навбатдаги ҳар бир кейинги иштирокчисига нисбатан солиқ тўловчининг кейинги чет эл (Ўзбекистон) корхонаси ва (ёки) юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмасидаги билвосита иштирок этиш улушининг фоизи кўрсатилади.

59. Агар солиқ тўловчи «Солиқ тўловчининг чет эл корхонасида билвосита иштирок этиши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимида кўрсатилган кетма-кетликдан бошқача кетма-кетлик бўйича қатнашса, «Билвосита иштирок этиш тартиби» бўлими мазкур Низомнинг 61-бандига асосан ҳар бир кетма-кетлик учун тўлдирилади.

60. Агар солиқ тўловчи бошқа чет эл корхонасида билвосита иштирок этса, мазкур варақ ҳар бир чет эл корхонаси бўйича тўлдирилади.

61. Чет эл корхонасида аралаш ҳолда иштирок этилганда хабарноманинг «Солиқ тўловчининг чет эл юридик шахсида билвосита иштирок этиши тартиби» варағининг биттасида тўғридан-тўғри, бошқача билвосита иштирок этиш улуши кўрсатилиши лозим.

«Солиқ тўловчининг чет эл юридик шахсида билвосита иштирок этиши тартиби» варағини тўлдиришда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

«Солиқ тўловчининг чет эл юридик шахсида билвосита иштирок этиши тўғрисида маълумотлар» бўлимининг «Билвосита иштирок этиш улуши – жами, %» майдонида тўғридан-тўғри ва билвосита иштирок этиш улуши кўрсатилади.

«Билвосита иштирок этиш тартиби» бўлимида чет эл корхонасида тўғридан-тўғри иштирок этиш тўғрисидаги маълумотларни тўлдиришда чет эл корхонасидаги тўғридан-тўғри иштирок этиш улуши кўрсатилади:

«Иштирок этиш кетма-кетлиги» майдонида солиқ тўловчининг чет эл корхонасида тўғридан-тўғри иштирок этиши кетма-кетлиги тартиб рақами, аралаш ҳолда иштирок этиш тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади;

«Кетма-кетликка билвосита иштирок этиш улуши – жами, %» майдони бундай кетма-кетлик бўйича тўлдирилмайди; «Иштирокчи тартиб рақами» майдонида солиқ тўловчи аралаш ҳолда иштирок этишга чет эл корхонаси тартиб рақами кўрсатилади;

«Тўғридан-тўғри иштирок этиш улуши, %» майдонида солиқ тўловчининг чет эл корхонасида тўғридан-тўғри иштирок этиш улуши, аралаш ҳолда иштирок этиш тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади;

«Билвосита иштирок этиш улуши, %» майдони бундай кетма-кетлик бўйича тўлдирилмайди.

62. Билвосита иштирок этиш, аралаш иштирок этиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бошқа кетма-кетлик бўйича кўрсатилади. У ҳолда бундай кетма-кетлик бўйича билвосита иштирок этиш кетма-кетлиги мазкур варақнинг «Билвосита иштирок этиш тартиби» бўлими мазкур Низомнинг 60-бандида кўрсатилган тартибда тўлдирилади.

10-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОЙДАЛАР

63. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

64. Ушбу Низом талабларига риоя этилишини назорат қилиш давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

ЎзР ВМинг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарорига
6-ИЛОВА

НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИГАН ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯЛАРИ ҲАҚИДАГИ ХАБАРНОМАЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ, УЛАРНИ ТЎЛДИРИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОЙДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси солиқ резидентлари бўлган солиқ тўловчилар томонидан назорат қилинадиган

чет эл компаниялари ҳақидаги хабарномаларнинг (кейинги ўринларда – хабарнома) шакллари, уларни тўлдириш ва солиқ органларига тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органини Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (кейинги ўринларда – Солиқ кодекси) 209-моддасида назарда тутилган тартиб ва муддатларда:

Солиқ кодексининг 40-моддасининг биринчи ёки бешинчи қисмларида назарда тутилган асосларга кўра, чет эл компаниясининг;

Солиқ кодексининг 40-моддасининг тўққизинчи ёки ўн иккинчи қисмларида назарда тутилган асосларга кўра юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этган ҳолларда хабардор қилади.

2-БОБ. ХАБАРНОМАЛАР ШАКЛЛАРИ ВА ТАРКИБИ

3. Ушбу Низомга 1-иловага** мувофиқ Назорат қилинадиган чет эл компаниялари ҳақида хабарнома 10 варақдан иборат бўлиб:

- 1 – варақ (титул варақ);
- 2 – варақ (жисмоний шахс тўғрисида маълумотлар);
- 3 – варақ (назорат қилинадиган чет эл компаниялари тўғрисида маълумотлар);
- 4 – варақ (солиқ тўловчини назорат қилинадиган чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этиш учун асослар);
- 5 – варақ (юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмаси ҳисобланган назорат қилинадиган чет эл компаниялари тўғрисида маълумотлар);
- 6 – варақ (солиқ тўловчини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмаси ҳисобланган назорат қилинадиган чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этиш учун асослар);
- 7 – варақ (назорат қилинадиган чет эл компаниясининг молиявий ҳисоботи тўғрисида маълумотлар);
- 8 – варақ (солиқ тўловчининг назорат қилинадиган чет эл компаниясида билвосита иштирок этиши тартиби);
- 9 – варақ (назорат қилинадиган чет эл компаниясида билвосита иштирок этадиган Ўзбекистон корхонаси тўғрисида маълумотлар);
- 10 – варақ (назорат қилинадиган чет эл компаниясида солиқ тўловчи билвосита иштирок этадиган чет эл корхонаси тўғрисида маълумотлар)ни ўз ичига олади.

3-БОБ. ХАБАРНОМА ШАКЛЛАРИНИ ТЎЛДИРИШНИНГ УМУМИЙ ТАЛАБЛАРИ

4. Хабарнома варақлари қора ёки кўк сийёҳда ёхуд тегишли дастурий таъминот орқали битта нусхада тўлдирилади.

Фақат тўлдириш учун асослар мавжуд бўлган варақлар тўлдирилади.

Хабарномани тўлдиришда хатоларни тузатишга ёки шунга ўхшаш воситалардан фойдаланган ҳолда ўзгартиришга, қоғоз кўринишида тақдим этилганда икки томонлама чоп этишга ва тикишга йўл қўйилмайди.

Хабарнома варақлари тўлдириладиган бўлимлари мавжудлиги ёки йўқлиги ва сонидан қатъи назар рақамланади, титул варақ рақамланмайди, рақамлаш иккинчи варақдан «2» рақами билан бошланади ва кўрсатилган майдонга қўйилади.

5. Хабарномада маълум бир белгилардан ташкил топган ҳар бир кўрсаткичга битта майдон тўғри келади. Ҳар бир майдонга фақат битта кўрсаткич ва ҳар бир каттақ битта белги тўлдирилади.

Истисно тарихсида сана учун учта майдон мавжуд бўлиб кун, ой ва йил «.» (нуқта) билан ажратилади. Мисол учун, 15.01.2023.

6. Хабарнома майдонларини матн, сон ва кодли кўрсаткичлар билан тўлдиришда чапдан ўнгга қараб, кўлэзма ёки босма ҳарфлардан фойдаланилади.

7. Хабарномадаги барча қиймат кўринишидаги кўрсаткичлар сўмда тўлдирилади.

8. Хабарноманинг титул варақидан ташқари қуйи қисмидаги «Мазкур саҳифада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман» майдони солиқ тўловчи

ёки унинг вакилининг имзоси билан тасдиқланади.

9. Хабарнома шаклини дастурий таъминот орқали принтерда чоп этишда «Times New Roman» 12-14 ўлчамдаги шрифтдан фойдаланилади.

10. Хабарноманинг тегишли майдон кўрсаткичи мавжуд бўлмаганда майдоннинг бутун узунлиги бўйлаб ўртасига «—» (чизиқча) белгиси қўйилади.

Агар соннинг кўр қисмидаги рақамлар бутун қисмидаги рақамлар сонидан қаср бўлса, бўш майдонлар чизиқча билан тўлдирилади.

Масалан, солиқ тўловчининг чет эл юридик шахсида ёки назорат қилинадиган чет эл компаниясида «Иштирок этиш улуши» 53,87423 фоизи ташкил этса, соннинг бутун қисми 3 хонали, каср қисми 15 хонали сонларда, бўш каттаклари чизиқча билан «53-87423-----» кўринишда тўлдирилади.

11. Дастурий таъминот ёрдамида тўлдирилган ва принтерда чоп этилган хабарномани юборишда бўш жойлар учун майдон ва чизиқлар бўлмастлиги мумкин. Майдонларнинг жойлашуви ва ўлчамлари ўзгартирилмаслиги керак.

12. Солиқ тўловчи томонидан хабарномага солиқ бўйича ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига қоғозда ёки телекоммуникация каналлари орқали электрон шаклда ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилиши мумкин.

4-БОБ. ХАБАРНОМАНИНГ ТИТУЛ ВАРАҚЛАРИНИ ТЎЛДИРИШ

13. Хабарнома шаклларидаги «СТИР» майдони ҳар бир варақнинг юқори қисмида такоррланади ва унда хабарномани тақдим этаётган солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилади.

14. «Хўжат тури» майдонида:

«1» рақами тегишли ҳисобот даври учун биринчи марта тақдим этилаётганлигини;

«2» ва ундан кейинги рақамлар тегишли ҳисобот даври учун аниқлаштирилган хабарнома тартиб рақамларини билдиради.

15. «Ҳисобот даври» майдонида хабарнома тақдим этилаётган ой тартиб рақами ва «Солиқ даври» майдонида календар йил кўрсатилади.

16. «Солиқ тўловчи тўғрисида маълумотлар» майдонида солиқ тўловчи:

юридик шахслар бўйича таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахснинг тўлиқ номи;

жисмоний шахслар бўйича шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида жисмоний шахснинг исми, фамилияси ва отасининг исми (мавжуд бўлса) тўлиқ ёзилади. Бунда жисмоний шахс бўйича маълумотлар 2-варақда кўрсатилади.

17. «Юридик шахснинг жойлашган жойи» майдонида юридик шахснинг жойлашган жойи кўрсатилади.

18. «Почта манзили» майдонида юридик шахснинг жойлашган жойи бўйича почта манзили ёзилади.

19. «Электрон почта манзили» майдонида юридик шахсининг Интернет тармоғида рўйхатга олинган ва актив ҳолатдаги электрон почта манзили кўрсатилади.

20. «Телефон» майдонида солиқ тўловчи ёки унинг вакилининг алоқа учун телефон рақамлари оператор коди билан кўрсатилади.

21. «Хабарномани тақдим этиш муддати (кун/ой/йил)» майдонида хабарнома тақдим этилаётган сана кун, ой, йил шаклида тўлдирилади.

22. «_____ га тақдим этилади» майдонида хабарнома тақдим этилаётган давлат солиқ хизмати органининг тўлиқ номи ёзилади.

23. «Мазкур хабарнома _____ ҳужжатлар нусхалари илова қилинган ҳолда варақда тузилди.» майдонида тўлдирилган хабарнома шакллари, «Илова _____ варақда» майдонида тақдим этилаётган хабарномага илова қилинаётган ва тасдиқловчи ҳужжатлар сони кўрсатилади.

24. Титул варақининг «Мазкур хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман.» бўлимида бўш майдонга хабарнома ким томонидан

тақдим этилаётган бўлса, «1 – жисмоний шахс», «2 – жисмоний шахс вакили», «3 – қорхона раҳбари» ва «4 – қорхона вакилининг мос рақамларидан бири кўрсатилади:

агар хабарнома юридик шахс томонидан тақдим этилаётган бўлса, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қорхона раҳбарининг ёки вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми тўлиқ, солиқ тўловчининг идентификация рақами, оператор коди билан телефон рақамлари, электрон почта манзили кўрсатилади ҳамда шахсий имзоси ва имзолаган санаси билан тасдиқланади;

агар хабарнома солиқ тўловчи – жисмоний шахс, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркор, адвокат, нотариус ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида мувофиқ ҳусусий амалиёт билан шугулланадиган бошқа шахслар томонидан тақдим этилганда уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида исми, отасининг исми тўлиқ, солиқ тўловчининг идентификацион рақами, оператор коди билан телефон рақамлари, электрон почта манзили кўрсатилади ва шахсий имзоси билан тасдиқланиб, имзолаган санаси кўйилади.

Хабарнома жисмоний шахс ёки қорхона вакили томонидан тақдим этилганда «Солиқ тўловчининг вакили эканлигини тасдиқловчи ҳужжат номи ва реквизитлари» майдонида вакилининг тасдиқловчи ҳужжатлар номи ва унинг реквизитлари тўлиқ кўрсатилиши ва илова қилиниши лозим.

Хабарнома тақдим этаётган қорхона раҳбарининг ёки вакилининг ёхуд жисмоний шахс ёки вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми бошқа варақларда ҳам такоррланади ва уларда мазкур шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

25. «Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади» майдонида хабарномани тақдим этиш усуллари, хабарнома варақлари, илова қилинаётган ва тасдиқловчи ҳужжатлар сони, топширилган санаси ва рўйхатдан ўтказилган рақами хабарномани қабул қилган солиқ хизмати ходимининг исми, фамилияси ва отасининг исми (агар бор бўлса) ва имзоси билан тасдиқланади.

5-БОБ. ХАБАРНОМАЛАРНИНГ «ЖИСМОНИЙ ШАХС ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР» ВАРАҒИНИ ТЎЛДИРИШ

26. Хабарномаларнинг «Жисмоний шахс тўғрисида маълумотлар» варағи яқка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахс томонидан тўлдирилади.

27. Маълумотлар жисмоний шахсининг тасдиқловчи ҳужжатлар асосида:

«Фамилияси», «Исми», «Отасининг исми» майдонларида хабарномани тақдим этаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (агар бор бўлса);

«Туғилган санаси» майдонида туғилган санаси (кун, ой, йил); «Туғилган жойи» майдонида жисмоний шахснинг туғилган жойи;

«Фуқаролиги» майдонида «1 – Ўзбекистон Республикаси фуқароси», «2 – чет эл фуқароси» ва «3 – фуқаролиги бўлмаган шахс» жисмоний шахс фуқаролигига оид мос рақам;

«Мамлақати» майдонида жисмоний шахс фуқаролиги бўлган мамлакат номи ёзиб қўйилади;

«Шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар» майдонида:

«Ҳужжат тури» майдонида кўрсатилган ҳужжат турларининг мос рақами;

«Серияси» майдонида ҳужжат серияси;

«Рақами» майдонида ҳужжат рақами;

«Берилган вақти» майдонида ҳужжатнинг берилган вақти; «Ким томонидан берилган» майдонида шахсни тасдиқловчи ҳужжатни берган орган номи кўрсатилади.

28. «Яшаш жойи манзили» майдонида доимий прописка бўйича Ўзбекистон Республикаси солиқ резиденти сифатида рўйхатда турган жой манзили аниқ кўрсатилиши лозим.

29. «Телефони» майдонида алоқа учун телефон рақамлари оператор коди билан кўрсатилади.

30. «Мазкур хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тулиқлигини тасдиқлайман:» бўлимида жисмоний шахснинг СТИР, исми, фамилияси, отасининг исми

(агар бор бўлса) кўрсатилиб, шахсий имзоси билан тасдиқланади ва имзолаган санаси қўйилади.

31. «Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади» майдонида хабарномани тақдим этиш усуллари, хабарнома варақлари, илова қилинаётган ва тасдиқловчи ҳужжатлар варақлари сони, топширилган санаси ва рўйхатдан ўтказилган рақами хабарномани қабул қилган солиқ хизмати ходимининг исми, фамилияси ва отасининг исми (агар бор бўлса) ва имзоси билан тасдиқланади.

6-БОБ. ХАБАРНОМАНИНГ «НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИГАН ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР» ВАРАҒИНИ ТЎЛДИРИШ

32. Хабарноманин «Назорат қилинадиган чет эл компаниялари тўғрисида маълумотлар» варағи назорат қилинадиган чет эл компанияси ҳисобланган чет эл қорхонасига нисбатан солиқ тўловчи назорат қилувчи шахс деб эътироф этилган ҳолда тўлдирилади.

Агар солиқ тўловчи бир неча чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этилган бўлса, ҳар бир чет эл компанияси бўйича алоҳида-алоҳида тўлдирилади.

33. Хабарноманин «Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг тартиб рақами» майдонида солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда чет эл компаниясига берилган тартиб рақами кўрсатилади.

Мисол учун,	X	K	-	0	0	0	0	1
-------------	---	---	---	---	---	---	---	---

Бунда «XK» хорижий компания маъносини аниқлатади.

Агар солиқ тўловчи чет эл қорхонасининг назорат қилинадиган чет эл компаниясига иштирок этса ва у тўғридаги маълумотлар Солиқ кодексининг 209-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошисига мувофиқ «Чет эл юридик шахси фаолиятида иштирок этиш (юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмаларини таъсис этиш) тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган бўлса, ҳар бир назорат қилинадиган чет эл компаниясига чет эл қорхонасига мос ҳолда тартиб рақами берилмади.

Назорат қилинадиган чет эл компанияси солиқ резиденти мақомини ўзгаришганда назорат қилинадиган чет эл компаниясининг рақами сақлаб қолинади ва қайта берилмайди.

Солиқ тўловчининг назорат қилинадиган чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси мақоми туғилганда (яқунланганда) мазкур рақам такорран бошқасига берилмайди.

34. Хабарноманин «Чет эл қорхонасининг номи» майдонида транслитерация қордаларига мувофиқ чет эл қорхонасининг тўлиқ номи лотин ёзувида ёзилади.

35. «Рўйхатдан ўтган мамлакат (худуд) коди» майдонида ушбу чет эл қорхонасини рўйхатдан ўтказган мамлакат (худуд)нинг ИСО 3166 «Жаҳон мамолақатлари классификатори» ҳалқаро стандартларида мувофиқ уч рақамли коди кўрсатилади.


36. «Чет эл қорхонаси рўйхатдан ўтган сана» майдонида чет эл қорхонасининг ўз мамлақатида рўйхатдан ўтказилган санаси ёзилади.

37. «Рўйхатдан ўтган (инкорпорация қилинган) мамлақатдаги рўйхат рақам(лари) (агар мавжуд бўлса)» майдонида ушбу чет эл қорхонасининг рўйхатдан ўтказган (инкорпорация қилинган) мамлақат (худуд)даги рўйхатга олинган (агар олинган бўлса) рақам(лар)и (мавжуд бўлса) ёки унинг аналог(лар)и кўрсатилади.

38. «Рўйхатдан ўтган (инкорпорация қилинган) мамлақатдаги солиқ тўловчининг коди ёки аналоглари (агар мавжуд бўлса)» майдонида ушбу чет эл қорхонасининг рўйхатдан ўтказган (инкорпорация қилинган) мамлақат (худуд)даги солиқ тўловчи сифатидаги коди ёки унинг аналоглари (агар мавжуд бўлса) рақамлари кўрсатилади.

39. «Солиқ резиденти бўлган мамлакат (худуд)даги солиқ тўловчининг коди ёки аналоглари (агар мавжуд бўлса)» майдонида ушбу чет эл қорхонасининг солиқ резиденти бўлган мамлақат (худуд)даги солиқ тўловчи сифатидаги коди ёки унинг аналоглари (агар мавжуд бўлса) кўрсатилади.

ХАРИДОРДА ЧЕГИРМАЛАР ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ



Янги Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 4-сон БҲМС-«Товар-моддий захиралар» тасдиқланди (АВ томонидан 30.06.2020 йилда 3226-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Унда ТМЗни ҳисобга олишнинг асосий нормалари ва уларни олишга ишончномаларни расмийлаштириш тартиби акс эттирилган. Янги Стандартнинг 16-банди – ТМЗни харид қилишда олинган чегирмалар бухгалтерлар, аудиторлар ва солиқ маслаҳатчиларида кўп саволларни юзга келтирди. «Ногма» компаниясининг етакчи эксперти Татьяна БЕЛОУСОВА ушбу бандни амалиётда қандай қилиб тўғри қўллаш кераклигини тушунтириб берди.

– Ташкилотнинг маркетинг ва нарх сиёсати билан белгиланадиган чегирмалар тизими нархни тартибга солиш элементларидан бири ҳисобланади. Амалиётда чегирмаларнинг ҳар хил турлари қўлланилади.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида 4-сон БҲМС билан чегирмалар шартли равишда икки турга бўлинган:

ТМЗни харид қилиш (юқлаб жўнатиш) пайтида харидорларга бериладиган (ҳисобда алоҳида проводка билан ажратиб кўрсатилмайди);

ТМЗ харид қилинганидан (юқлаб жўнатилинганидан) ва қирим қилинганидан кейин харидорларга бериладиган (уларни олиш ҳуқуқи харидор шартноманинг муайян шартларини бажаришига боғлиқ).

Харидорнинг чегирма олиш шартлари муайян турдаги товарни реализация қилиш бўйича шартномада (контрактда), оммавий офертада ёки сотувчи ва харидор ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солувчи бошқа ҳужжатларда акс эттирилиши керак.

Харидор ТМЗни қабул қилиб олиш пайтида олинган чегирмалар

Харидор товар-моддий захираларни қабул қилиб олиш санасида олинган чегирмалар, тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари мавжуд бўлганда,

харид қилинган ТМЗ нархи (қиймати) камайишига олиб келади. Улар харид қилиш харажатлари таркибига киритилмайди.

МИСОЛ. ТМЗ қабул қилиб олинган пайтда чегирма олиш

Шартнома шартларига кўра 50 ва ундан ортиқ гулқоз рулонни сотиб олинганда харидорга харид қийматининг 5% миқдорига чегирма берилди. Харидор 1 та рулон учун ҚҚС билан бирга 230 000 сўм тўлаб, 52 та рулонни сотиб олди.

Сотувчи ҳисобварақ-фактурани расмийлаштираётганда гулқозларнинг реализация қилинишини харидор фойдаланган чегирмани ҳисобга олган ҳолда, яъни 5%га арзонлаштириб акс эттиради:

- миқдори – 52 та рулон;
 - чегирмани ҳисобга олган ҳолда 1 та рулонни реализация қилиш нархи – 190 000 сўм $((230\ 000 / 1,15) \times (100\% - 5\%))$;
 - ҚҚСсиз умумий қиймати – 9 880 000 сўм $(190\ 000 \times 52)$;
 - ҚҚС – 1 482 000 сўм $(9\ 880\ 000 \times 15\%)$;
 - ҚҚС билан етказиб бериш қиймати – 11 362 000 сўм $(9\ 880\ 000 + 1\ 482\ 000)$.
- Харидор 9 880 000 сўмлик 52 рулон гулқозни қирим қилади, ҚҚС тўловчиси бўлса, 1 482 000 сўм миқдорига ҚҚСни ҳисобга олиши мумкин. Бунда харидорнинг кредиторлик қарзи (тўлаш учун сўм) 11 362 000 сўм $(52 \times 230\ 000)$ ўрнига 11 362 000 сўмни $(52 \times 218\ 500)$ ташиқл этади. Бу ҳолда 5%лик чегирма суммаси харидорнинг бухгалтерия ҳисобиде акс эттирилмайди.

Харидорда бухгалтерия проводкалари:

- Дт 2910-«Омбордаги товарлар» - Кт 6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўмлар» 9 880 000 сўмлик суммага (52 дона);
- Дт 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» - Кт 6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўмлар» 1 482 000 сўмлик суммага.

Бу ҳолда сотувчи ҳисобварақ-фактурани шу заҳоти чегирма ҳисобга олинган нархда расмийлаштиради:

Товарлар (хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда етказиб бериш қиймати
					Ставка, %	Сумма	
Гулқоз арт. №98/23	рул.	52	200 000	10 400 000	15%	1 560 000	11 960 000
Чегирма 5%			-10 000	-520 000	15%	-78 000	-598 000
Чегирмани ҳисобга олган ҳолда жами		52	190 000	9 880 000	15%	1 482 000	11 362 000
Тўлаш учун жами							11 362 000

Чегирмалар қўшимча ТМЗни текинга олиш шаклида ҳам берилиши мумкин. Бу ҳолда тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари мавжуд бўлиши шарт.

Олинган ТМЗ таннархи харид қилинган ТМЗ қийматини харид қилинган, шу жумладан текинга олинган ТМЗнинг бутун ҳажмига тақсимлаш йўли билан аниқланади.

МИСОЛ. Қўшимча бепул ТМЗ кўринишида чегирма олиш

Шартнома шартларига кўра 50 рулон гулқоз сотиб олинганда харидорга шу турдаги гулқозларнинг яна 2 та рулонини текинга бериш кўринишида чегирма тақдим этилади. Харидор 1 та рулон учун ҚҚС билан бирга 239 200 сўм тўлаб, 50 та рулонни сотиб олди.

Сотувчи юқлаб жўнатиш пайтида ҳисобварақ-фактурани расмийлаштираётганда гулқозларнинг реализация қилинишини харидор фойдаланган чегирмани ҳисобга олган ҳолда, яъни 2 та рулонни қўшиб акс эттиради:

- миқдори – 52 та рулон $(50 + 2)$;
- нархи – 200 000 сўм $((239\ 200 \times 50) / 1,15) / 52$;
- ҚҚСсиз қиймати – 10 400 000 сўм $(200\ 000 \times 52)$;
- ҚҚС – 1 560 000 сўм $(10\ 400\ 000 \times 15\%)$;
- ҚҚС билан етказиб бериш қиймати – 11 960 000 сўм $(10\ 400\ 000 + 1\ 560\ 000)$.

Харидор 10 400 000 сўмлик 52 рулон гулқозни қирим қилади, сотувчи тақдим этган ҳисобварақ-фактурага кўра 1 560 000 сўм миқдорига ҚҚСни эса ҳисобга олиши мумкин.

Бу ҳолда чегирма суммаси бухгалтерия ҳисобиде олинган товарлар миқдорининг оширилиши ва улар нархининг камайтирилиши кўринишида акс эттирилади, бироқ алоҳида бухгалтерия проводкалари билан кўрсатилмайди.

Харидорда бухгалтерия проводкалари:

- Дт 2910-«Омбордаги товарлар» - Кт 6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўмлар» 10 400 000 сўмлик суммага (52 дона);
- Дт 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» - Кт 6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўмлар» 1 560 000 сўмлик суммага.

Бу ҳолда сотувчи ҳисобварақ-фактурани шу заҳоти чегирма ҳисобга олинган нархда расмийлаштиради:

Товарлар (хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда етказиб бериш қиймати
					Ставка, %	Сумма	
Гулқоз арт. № 23459	рул.	50	208 000	10 400 000	15%	1 560 000	11 960 000
Гулқоз арт. № 23459 чегирма бўйича	рул.	2		0	15%	0	0
Чегирмани ҳисобга олган ҳолда жами	рул.	52	200 000	10 400 000	15%	1 560 000	11 960 000
Тўлаш учун жами							11 960 000



ЭХФ оператори тизимида биринчи мисолда тавсифланганидек чегирма фойзи кўрсатиладиган ҳисобварақ-фактуранинг чегирмали махсус турини танлаш лозим. Шу ўринда ЭХФ операторларининг барчасида ҳам чегирма ҳисобга олинган ҳисобварақ-фактуранинг алоҳида шакли мавжуд эмаслигига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Ҳатто чегирмали ҳисобварақ-фактура шакли мавжуд бўлган ЭХФ операторларида ҳам айни пайтда у иккинчи мисолда кўрсатилганидек бепул товарнинг қўшимча миқдорига чегирмани қўллаш имконини бермаяпти.

Барча ЭХФ операторлари 4-сон БҲМС қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил турдаги чегирмалар кўрсатилган ҳисобварақ-фактура шаклини ЭХФ шакли таркибиде назарда тутсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Шундай қилиш зарур, сабаби ҚҚС ҳисоб-китобиде (1-илова, АВ рақами 3221 24.02.2020 й.) кўрсаткичларнинг тўғри акс эттирилишига таъсир кўрсади.

ХАРИДОРДА ЧЕГИРМАЛАР ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

13-бетда Харидор ТМЗни қабул қилиб олганидан кейин олган чегирмалар

Харидор келгусида муайян мажбуриятларни бажаришига қараб чегирмалар берилиши мумкин. Масалан, 10 кун ичида суммани тўлиқ тўлаган харидорга 10% миқдорида чегирма берилади. Ёки – 3 кун ичида ҳақини тўлаганда сотиб олган миқдорнинг 5%и ҳажмида қўшимча равишда товар текинга берилади ва ҳ.к.

Бу ҳолда харидор олган чегирмаларнинг молиявий-ҳужалик фао-

лияти натижаларига киритилади ва илгарӣ харид қилинган (қабул қилиб олинган) ТМЗ қийматини камайтирмайди.

Олинган чегирмалар суммалари қуйидаги солиқлар бўйича солиқ базасини ҳисоб-китоб қилиш чоғида даромадлар таркибига киритилади:

- фойда солиғи бўйича;
- айланмадан олинаниган солиқ бўйича.

МИСОЛ. ТМЗ қабул қилиб олинганидан кейин чегирма олиш

Шартнома шартларига кўра 5 кун ичида 100 фоиз ҳақини тўлаган ҳолда 50 ва ундан ортиқ рулон гулқозон сотиб олинганда харидорга харид қийматининг 5%и миқдорида чегирма берилади.

Харидор ҚҚС билан бирга 11 960 000 сўмга 52 та рулон сотиб олди. Сотувчи гулқозон юклаб жўнатишган санада ҳисобварақ-фактурани расмийлаштираётганда реализация қилиниши чегирмани ҳисобга олмасдан акс эттиради:

- миқдори – 52 дона;
 - нархи – 200 000 сўм ((11 960 000 / 1,15) / 52);
 - ҚҚСсиз қиймати – 10 400 000 сўм (200 000 x 52);
 - ҚҚС – 1 560 000 сўм (10 400 000 x 15%);
 - ҚҚС билан етказиб бериш қиймати – 11 960 000 сўм (10 400 000 + 1 560 000).
- Сотувчи тақдим этган ҳисобварақ-фактурага кўра харидор 10 400 000 сўмга 52 рулон гулқозонни кирим қилади, 1 560 000 сўм миқдоридаги ҚҚСни эса ҳисобга олиши мумкин. Товар чегирма қўлланилишини ҳисобга олмасдан кирим қилинади.

Харидор харид қилганидан кейин тўртинчи кун 11 362 000 сўм (11 960 000 x (100% – 5%)) тўлади. Шартнома шартларини бажариб, 598 000 сўм (11 960 000 x 5%) камроқ тўлаб, чегирмадан фойдаланиши мумкин.

Харидор чегирма суммасини ҳисобот давридаги бошқа операцион даромадга киритади.

Харидорда бухгалтерия проводкалари:

- Дт 2910-«Омбордаги товарлар» - Кт 6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» 10 400 000 сўмлик суммага (52 дона);
- Дт 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» - Кт 6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» 1 560 000 сўмлик суммага;
- Дт 6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» - Кт 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» 11 362 000 сўмлик суммага;
- Дт 6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» - Кт 9390 «Бошқа операцион даромадлар» 598 000 сўмлик суммага (чегирма суммаси).

Шартномадан ташқари, ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномаси ёки харидорнинг чегирмадан фойдаланганини тасдиқловчи хати ушбу чегирмани акс эттириш учун асос бўлиши мумкин.

Чегирма худди шундай ТМЗни текинга олиш кўринишида тақдим этилса, уларнинг таннархи харид қи-

линган ТМЗ қийматини сотиб олинган, шу жумладан текинга олинган ТМЗнинг бутун ҳажмига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бу ҳолда тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари мавжуд бўлиши шарт.

Қўшимча олинган ТМЗ таннархи харидорнинг ҳисобот давридаги молиявий натижаларига киритилади.

МИСОЛ. ТМЗ қабул қилиб олинганидан кейин қўшимча бепул ТМЗ кўринишида чегирма олиш

Шартнома шартларига кўра 5 кун ичида 100 фоиз ҳақини тўлаган ҳолда 50 ва ундан ортиқ гулқозон рулонни сотиб олинганда харидорга чегирма берилади. Унга ушбу турдаги 2 рулон гулқозон текинга берилади. Харидор ҚҚС билан бирга 11 960 000 сўмлик суммага 50 та рулон сотиб олди. Сотувчи тақдим этган ҳисобварақ-фактурага кўра харидор 10 400 000 сўмлик 50 рулон гулқозонни кирим қилади, 1 560 000 сўм миқдоридаги ҚҚСни эса ҳисобга олиши мумкин.

- миқдори – 50 дона;
 - нархи – 208 000 сўм ((11 960 000 / 1,15) / 50);
 - ҚҚСсиз қиймати – 10 400 000 сўм (208 000 x 50);
 - ҚҚС – 1 560 000 сўм (10 400 000 x 15%);
 - ҚҚС билан етказиб бериш қиймати – 11 960 000 сўм (10 400 000 + 1 560 000).
- Сотувчи тақдим этган ҳисобварақ-фактурага кўра харидор 10 400 000 сўмлик 50 рулон гулқозонни кирим қилади, 1 560 000 сўм миқдоридаги ҚҚСни эса ҳисобга олиши мумкин.

Харидорда бухгалтерия проводкалари:

- Дт 2910-«Омбордаги товарлар» - Кт 6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» 10 400 000 сўмлик суммага (50 донаси 208 000 сўмлик нархда);

• Дт 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» - Кт 6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» 1 560 000 сўмлик суммага;

• Дт 6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» - Кт 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» 11 960 000 сўмлик суммага.

Харидор шартнома шартларини бажарди ва харид қилганидан кейин тўртинчи кун 100 фоиз ҳақ тўлади. У қўшимча равишда худди шундай 2 рулон гулқозонни ҳақини тўламай олиб, чегирмадан фойдаланиши мумкин. Бунинг учун сотувчи 2 рулон гулқозонни бериш пайтида ҳисобварақ-фактура тақдим этиши керак:

- миқдори – 2 дона;
- нархи – 0 сўм;
- ҚҚСсиз қиймати – 0 сўм;
- ҚҚС – 0 сўм;
- ҚҚС билан етказиб бериш қиймати – 0 сўм.

Харидорда бухгалтерия проводкалари:

- қўшимча 2 та рулонни 2910-счётда акс эттириши керак. Уларнинг таннархини аниқлаш учун ҳақи тўланган ТМЗ қийматини олинганларининг бутун ҳажмига тақсимлаш лозим;
- таннарх 200 000 сўмга (10 400 000 / (50 + 2)) тенг бўлади;
- Дт 2910-«Омбордаги товарлар» - Кт 9390-«Бошқа операцион даромадлар» 400 000 сўмлик суммага (2 донаси 200 000 сўмлик нархда).

Бу худди шундай (бир турдаги) товарнинг қўшимча равишда бепул олинishi сифатидаги чегирма бўлади. Бирок шартнома шартларида бошқа турдаги товарни, масалан, гулқозон учун елимни текин-га олиш назарда тутилган бўлса, у ҳолда харидор учун елим текинга олинган товар бўлади. Чегирмаларни акс эттириш қоидалари (4-сон БҲМС 16-б.) унга нисбатан таътиб этилмайди.

МИСОЛ. Бошқа бепул товар кўринишида бонус олиш

Шартнома шартларига кўра 5 кун ичида 100 фоиз ҳақини тўлаган ҳолда 50 ва ундан ортиқ рулон гулқозон сотиб олинганда харидорга бонус – 2 қути гулқозон елими текинга берилади. Харидор ҚҚС билан бирга 11 960 000 сўмга 50 та рулон сотиб олди.

Сотувчи гулқозонни юклаб жўнатиши санасида ҳисобварақ-фактурани расмийлаштираётганда гулқозон реализация қилинишини акс эттиради:

- миқдори – 50 дона;
 - нархи – 208 000 сўм ((11 960 000 / 1,15) / 50);
 - ҚҚСсиз қиймати – 10 400 000 сўм (208 000 x 50);
 - ҚҚС – 1 560 000 сўм (10 400 000 x 15%);
 - ҚҚС билан етказиб бериш қиймати – 11 960 000 сўм (10 400 000 + 1 560 000).
- Сотувчи тақдим этган ҳисобварақ-фактурага кўра харидор 10 400 000 сўмлик 50 рулон гулқозонни кирим қилади, 1 560 000 сўм миқдоридаги ҚҚСни эса ҳисобга олиши мумкин.

Харидорда бухгалтерия проводкалари:

- Дт 2910-«Омбордаги товарлар» - Кт 6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» 10 400 000 сўмлик суммага (50 донаси 208 000 сўмлик нархда);

• Дт 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» - Кт 6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» 1 560 000 сўмлик суммага;

• Дт 6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» - Кт 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» 11 960 000 сўмлик суммага.

Харидор шартнома шартларини бажарди ва харид қилганидан кейин тўртинчи кун ҳақини тўлади. У шартнома шартларидан фойдаланиши ва қўшимча 2 қути гулқозон елимини текинга олиши мумкин.

Бунинг учун сотувчи 2 қути гулқозон елимини бериш пайтида ҳисобварақ-фактура тақдим этиши керак:

- миқдори – 2 қути;
- нархи – 0 сўм;
- ҚҚСсиз қиймати – 0 сўм;
- ҚҚС – 0 сўм;
- ҚҚС билан етказиб бериш қиймати – 0 сўм.

Харидорда бухгалтерия проводкалари:

- қўшимча олинган 2 қути елимни 2910-«Омбордаги товарлар» счётида акс эттириши лозим. Бунинг учун ҳужжат билан тасдиқланган бозор қиймати бўйича уларнинг таннархини аниқлаш керак. Ҳисобварақ-фактурада товар қиймати кўрсатилмаган бўлса, етказиб берувчиларнинг нархга доир маълумотлари (прайс-варақлар), оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар ва бошқалар ёрдамида қийматни тасдиқлаш мумкин. Текинга олинган елим таннархини аниқлаб, харидор қуйидаги проводкани амалга оширади: Дт 2910-«Омбордаги товарлар» - Кт 8530-«Текинга олинган мол-мулк».

21-сон БҲМСга мувофиқ (АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган) текинга олинган мол-мулк 8530-«Текинга олинган мол-мулк» счётининг кредити бўйича мол-мулкни ҳисобга олувчи счётлар билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Текинга олинган мол-мулк қийматига солиқ солинади, бу қиймат солиқ солиш мақсадида фойда со-

лигини ёки айланмадан олинаниган солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида жами даромадга киритилади.

БЮДга ЯНГИ ҚОИДАЛАР БЎЙИЧА ТУЗАТИШ КИРИТАМИЗ

Товарлар декларациясига тузатиш киритиш – бу алоҳида турдаги божхона ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳисобланиб, бунда декларант экспорт ёки импорт учун тайёрланган маҳсулотнинг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни маълум қилади. Жорий йилнинг 11 майдан Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низом (*АВ томонидан 10.02.2020 йилда 3220-сон билан рўйхатдан ўтказилган*). Мазкур божхона декларацияларига қай тартибда ва қайси ҳолларда тузатиш киритиш мумкинлиги хусусида ББУ раисининг ўринбосари Энвер ХАЛИЛОВ Божхона брокерлари уюшмасининг семинарида гапириб берди.

Низомда декларацияловчи шахснинг мурожаатига асосан ва божхона органи ташаббуси билан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ҳоллари белгиланган. Бундан ташқари ҳужжатда БЮДни декларантнинг мурожаатига асосан қайтариб олиш ва уни божхона органи ташаббуси билан бекор қилиш мумкин бўлган вазиятлар келтирилган.

Янги меъёрларни ўзлаштириб олиш муҳимлигини эътиборга олган ҳолда Э.Халилов мазкур масалаларга батафсил тўхталди.

Низомда мазкур тартиб-таомилларни электрон ва қоғоз

шаклидаги БЮДлар учун ўтказишнинг тартиби ажратиб кўрсатилган (*I, II бўлимлар*).

Амалиётнинг кўрсатишича, Низом кучга кирган пайдан бошлаб асосан электрон форматда рўйхатга олиниб, лекин расмийлаштирилмаган БЮД ва аввал расмийлаштирилган декларацияда тартиб-таомилларни қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ББУ раисининг ўринбосари ҳар икки ҳолат учун тартиб-таомилларнинг муҳим жиҳатларига ургу берган ҳолда декларантлар учун ўзига хос эслатмаларни тақдим этди.

Рўйхатга олиниб, электрон шаклда расмийлаштирилмаган БЮД

Куйидаги ҳолларда декларация қилувчи шахсга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга рўхсат этилади:

- божхона расмийлаштируви жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш зарур бўлганда;
- божхона қиймати ва (ёки) божхона тўловлари суммасини тўғрилаш зарурати юзага келганда;
- товарларни ташинишга мўлжалланган транспорт воситалари техник жиҳатдан носоз бўлганда;
- БЮДга ўзгартириш, қўшимча киритиш ёки уни қайта расмийлаштириш учун асос бўладиган ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар билан тасдиқланган, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳолларда (*Низом 2-бобининг 1-§*).

Ҳаракатлар кетма-кетлиги

Декларацияловчи шахс БЮДни рўйхатга олган божхона органига ахборот алмашиш тизими орқали мурожаат қилади. Мурожаатда

БЮДга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси божхона органига ҳам тегишли бўлиши мумкин (*Низом 2-бобининг 2-§*).

Ҳаракатлар кетма-кетлиги

I. Божхона органи томонидан аниқланган БЮДга хато ва (ёки) камчиликларни бартараф этиш зарур бўлганда, божхона органи декларацияловчи шахснинг ахборот алмашиш тизими орқали хабардор қилади. Бунда божхона органи БЮДдаги хато ва (ёки) камчиликлар тўғрисида аниқ маълумотларни ҳамда уларни бартараф этиш учун тақдим этилади.

Ҳар икки ҳолатда БЮДга тузатиш киритиш тақиқланади, агар:

- декларант ёки декларацияловчи шахсдан БЮДда маълум қилин-

божхона органи томонидан берилган БЮДнинг рўйхат рақами, мазкур БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритишнинг аниқ сабаблари кўрсатилади.

Божхона органи I иш куни ичида мурожаатни кўриб чиқади ва натижа-си бўйича ахборот алмашиш тизими орқали маълум қилади. Бунда қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ҳужжатлар ҳамда уларни тақдим этиш муддатлари кўрсатилади.

Хабар берилган кундан кейинги иш куни якунига қадар БДТ (*божхона қийматига тузатиш киритиш*) тақдим этилади ва рўйхатга олинади.

Божхона органи тақдим этилган ҳужжатни қабул қилиб олади, бундан талаб этилмаган (асоссиз тақдим этилган) ёки сифатсиз (хира, бўялган, тушунарсиз ва х.к.) ҳужжатлар мустасно.

ган БДТ ёки тегишли ҳужжатларни тақдим этиш муддатини кўрсатиши шарт.

II. БДТ ёки тегишли ҳужжатларни тақдим этиш муддати декларацияловчи шахс ахборот алмашиш тизими орқали маълум қилинган кундан кейинги иш куни якунига қадар белгиланади.

III. БДТни тақдим этиш ва уни рўйхатдан ўтказиш.

ган товарларга нисбатан ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар талаб қили-

ниб, бу бўйича текширув якунига етмаган бўлса;

- БЮДда маълум қилинган товарларни божхона кўригидан ўтказиш белгиланиб, бу жараён якунига етмаган бўлса;

Декларантнинг мурожаатига асосан БЮДни қайтариб олиш

Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДни қайтариб олиш учун декларант у рўйхатга олинган божхона органига ариза билан мурожаат қилади.

Аризани кўриб чиқишда БЮДни қайтариб олиш учун асослар мавжуд деб топилса, у 1 иш куни давомида ДБКнинг ЯААТда қайтарилади.

БЮДни божхона органи ташаббуси билан бекор қилиш

БДТ ёки тегишли ҳужжатлар декларацияловчи шахс томонидан ахборот алмашиш тизимида белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, божхона органи БЮДни бекор қилади. Бунда куйидаги ҳолларда БЮДни бекор қилиш тақиқланади:

- декларация БЮД илгари расмийлаштирилган муваққат, тўлиқ бўлмаган, даврий ва дастлабки БЮДлар бўйича тақдим этилганда;
- ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган БЮД бўйича иш кўриб чиқилиб, суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган қарори чиқмаганда;

- БЮДдаги товарларни божхона экспертизасидан ўтказиш тайинланиб, бу жараён якунига етказилмаган бўлса (*Низомнинг 10-б.*).

Божхона органи аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДни қайтариб олиш учун асослар мавжуд эмас деб топса, БЮДни қайтаришни рад этишга ҳақли. Рад этишнинг асосланган сабаблари ёзма ёки электрон шаклда аризага маълум қилинади (*Низом 2-бобининг 3-§*).

- декларант ёки декларацияловчи шахсдан БЮДда маълум қилинган товарларга нисбатан ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар талаб қилиниб, бу бўйича текширув якунига етмаган бўлса;

- БЮДда маълум қилинган товарларни божхона кўригидан ўтказиш белгиланиб, бу жараён якунига етмаган бўлса;

- БЮДдаги товарларни божхона экспертизасидан ўтказиш тайинланиб, бу жараён якунига етказилмаган бўлса (*Низом 2-бобининг 4-§*).

Ҳужжат тили билан

БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, бекор қилиш ёки қайтариб олиш куйидаги ҳолларда мазкур Низом талаблари асосида амалга оширилади:

- божхона расмийлаштируви жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун;
- божхона қиймати ва (ёки) божхона тўловлари суммасини тўғрилаш зарурати юзага келганда;
- товарларни ташинишга мўлжалланган транспорт воситалари техник жиҳатдан носоз бўлганда;
- экспорт божхона режимига расмийлаштирилган товарлар уларни олиб чиқишга рўхсат берилган санадан сўнг автотранспорт воситаси ташувида 10 кунга қадар, бошқа транспорт воситалари ташувида 20 кунга қадар олиб чиқилмаган ҳолатларда;
- БЮД ёки унинг бир қисми бўйича расмийлаштирилган товарга эгалик қилиш ҳуқуқи ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа субъектига берилганда, бундан экспорт ёки эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига расмийлаштирилиб, контракт (шартнома, келишув) шартлари тўлиқ бажарилган ва (ёки) шартли чиқарилмаган товарлар, шунингдек товардан фойдаланиш ҳуқуқи чекланган ҳамда Божхона кодексининг 96-моддасига кўра божхона омбори божхона режимига жойлаштирилган товарни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ ҳолатлар мустасно;
- контракт (шартнома, келишув) шартлари ўзгарганда, бундан экспорт ёки эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига расмийлаштирилиб, контракт (шартнома, келишув) шартлари тўлиқ бажарилган ва (ёки) шартли чиқарилмаган товарлар, шунингдек товардан фойдаланиш ҳуқуқи чекланган ҳолатлар мустасно;
- БЮД расмийлаштирилгандан сўнг, ундаги товарлар бўйича тузилган контрактларга қўшимча келишувлар киритилиб, уларга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар, хорижий ҳамкорлар ва уларнинг репрезентативлари ўзгарган тақдирда;
- битта товар юзасидан такроран бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолат аниқланганда;
- БЮДга ўзгартириш, қўшимча киритиш ёки уни қайта расмийлаштириш учун асос бўладиган ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар билан тасдиқланган, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳолларда (*Низомнинг 8-б.*).

БЮДга ЯНГИ ҚОИДАЛАР БЎЙИЧА ТУЗАТИШ КИРИТАМИЗ

Расмийлаштирилган электрон шаклдаги БЮД

15-бетда

1. Декларацияга ўзгартириш ва қўшимчаларни декларант аризага биноан ёки унинг номидан декларацияловчи шахс Низомнинг 8-бандида на-

зарда тутилган ҳолларда киритиши мумкин.

БЮДга тузатиш киритиш Низом 10-бандининг 3 ва 4-хатбошилари ва 24-бандининг 3-хатбописи билан чекланган (Низом 3-бобининг 1-§).

Қаерга мурожаат қилинади

БЮДга ўзгартириш ёки қўшимча киритиш учун декларант ёки декларацияловчи шахс ёзма ёхуд электрон шаклда ариза билан қуйидагиларга мурожаат қилиши лозим:

БЮД рўйхатга олинган божхона пости бошлиғига – мурожаат этилаётган йилда расмийлаштирилган БЮДга божхона тўловлари суммаларини қайтариш билан боғлиқ бўлмаган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш юзасидан (экспорт шартномалари бўйича олиб чиқилган то-

варларнинг халқаро товар биржаларида қиймати ўзгариши сабабли унинг қиймати ва божхона тўловлари суммалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар бундан мустасно);

БЮД расмийлаштирилган худудий божхона бошқармаси бошлиғи ёки унинг ўринбосарига – олдинги хатбошида назарда тутилмаган бошқа ҳолларда БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш юзасидан (Низомнинг 32-б.).

электрон шаклда маълум қилинади. Божхона органи БЮДга ўзгартиришлар киритишни асосли деб топса, БЮДдаги хато ва (ёки) камчиликларни бартараф этиш бўйича БДТ ва (ёки) қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ҳужжатларни тақдим этиш юзасидан аризага жавоб хатини юбориши.

III. Декларант ёки декларацияловчи шахс БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш бўйича жавоб хатини олгандан сўнг 5 кундан кечиктирмай божхона органига БДТ ва (ёки) тегишли ҳужжатларни тақдим этиши керак.

IV. БЮДга ўзгартириш ёки қўшимча киритиш учун БДТ ва (ёки) тегишли ҳужжатлар тақдим қилина олмаса, божхона органига бу ҳақда ёзма ёки электрон равишда асосланган хат юборилади.

Харакатлар кетма-кетлиги

I. Мурожаатда декларант ёки декларацияловчи шахс аризада БЮДнинг рўйхат рақами, унга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш заруриятининг аниқ сабаблари кўрсатилади ва уларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик ариза чиқарганга юклатилади.

II. Аризани кўриб чиқиш. Муддати – 15 кундан бир ойгача. Божхона органи аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш учун асослар мавжуд эмаслиги ёхуд тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги сабабидан унга ўзгартиришлар киритишни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолатларда рад этишнинг асосланган сабаблари аризага ёзма ёки

Божхона органига ўз ташаббусига кўра БЮДга тузатиш киритиш тақиқланган ҳоллар ҳужжатда белгиланган эмас. Бундай тақиқланган ҳолларга фақат бошқа, 8-бандда кўрсатилмаган ҳоллар киритиш ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Лекин 8-банднинг охирига хатбошисидати: «БЮДга ўзгартириш, қўшимча киритиш ёки уни қайта расмийлаштириш учун асос бўладиган ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар билан тасдиқланган, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳолларда» деган қоидадан келиб чиқилса, амалда чекловлар деярли йўқ дейиш мумкин.

Харакатлар кетма-кетлиги

I. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш зарурати юзага келганда божхона органи бу ҳақда декларант ва (ёки) декларацияловчи шахсни хабардор қилади, божхона органи бошлиғи ёхуд унинг ўринбосари томонидан имзоланган хат юбориши. Божхона органи декларант ёки декларацияловчи шахсдан БЮДга ўзгартиришлар қўшимча киритиш юзасидан қўшимча ҳужжат ва маълумотларни ҳамда ёзма тушунтиришларни сўраб олиши мумкин.

II. Божхона органи томонидан БЮДга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида хат олингандан сўнг декларант ёки декларацияловчи шахс 5 кундан кечиктирмай қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

• БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун божхона органига БДТ ва (ёки) тегишли ҳужжатларни тақдим этиши;

• БДТ ёки тегишли ҳужжатларни тақдим қила олмаса ёки БЮДга ўзгартиришлар киритиш учун зарурат йўқ деб ҳисобласа, бу ҳақда ёзма ёки электрон шаклда божхона органига ўзининг асосланган хатини юбориши.

• декларант ёки декларацияловчи шахс асосланган сабабларга кўра БДТ тақдим қила олмаса, божхона органи томонидан мустақил равишда божхона мақсадлари учун БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиши мумкин, бундан киритиладиган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар божхона тўловларига ёки ташқи савдо контракти (шартномаси, келишу-



ви)даги маълумотларга таъсир этадиган ҳолатлар мустасно. Божхона органи БЮДга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар ҳақидаги асосланган хатни декларантга юбориши шарт, бундан декларант фаолияти тугатилган ҳолатлар мустасно (Низом 3-бобининг 2-§).

Декларантнинг мурожаатига асосан БЮДни қайтариб олиш ёки бекор қилиш

БЮДни бекор қилиш фақат битта товар юзасидан бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолатларда амалга оширилиши мумкин. Божхона органи декларант томонидан кўрсатилган сабабларни асосли деб топса, олиб чиқилаётган товарларга доир БЮД ушбу товарларни олиб чиқишга рухсат

берилганидан кейин ҳам қайтариб олиниши мумкин. Низомнинг 24-банди 3-хатбошисидан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно (хукуқбузарлик ҳолатлари аниқланган БЮД бўйича иш кўриб чиқилиб, суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган қарори чиққунга қадар) (Низом 3-бобининг 3-§).

Харакатлар кетма-кетлиги

БЮД расмийлаштирилгандан кейин уни қайтариб олиш ёки бекор қилиш учун декларант БЮДни рўйхатга олган божхона органи бошлиғи ёки унинг ўринбосарига ариза билан мурожаат қилади.

Агар аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДни қайтариб олиш ёки бекор қилиш учун асослар мав-

жуд деб топилса, 3 иш куни давомида ДБКнинг ЯААТ орқали БЮД қайтарилади ёки бекор қилинади.

Божхона органининг фикрига кўра БЮДни бекор қилиш ёки қайтариб олиш учун асослар мавжуд эмас деб топилса, у БЮДни бекор қилиш ёки қайтаришни рад этишга ҳақли бўлади. Бундай ҳолатларда рад этишнинг асосланган сабаблари аризага ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

БЮДни божхона органи ташаббуси билан бекор қилиш

Декларация қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

• экспорт божхона режимига расмийлаштирилган товарлар уларни олиб чиқишга рухсат берилган санадан сўнг автотранспорт воситаси ташувида 10 кунга қадар, бошқа транспорт воситалари ташувида 20 кунга қадар олиб чиқилмаган ҳолатларда;

• битта товар юзасидан такро-

ран бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолат аниқланганда;

БЮД юзасидан хукуқбузарлик ҳолати аниқланиб, бу бўйича иш суд ёки тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинмаган бўлса мазкур БЮДни бекор қилиш тақиқланади (Низом 3-бобининг 4-§).

Харакатлар кетма-кетлиги

I. Битта товар юзасидан такро-ран бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолат аниқланганда, божхона органи бу ҳақда декларант ва (ёки) декларацияловчи шахсни хабардор қилади, зарур ҳолларда божхона органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган хат юбориши.

II. Декларант ёки декларацияловчи шахс божхона органининг хатини олгандан сўнг 5 кун ичида аниқланган ҳолат бўйича тушунтириш бериши шарт.

III. Низомнинг 8-банди 5 ва 9-хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар тасдиқланган ҳолларда БЮД божхона органи томонидан бекор қилинади ва бу ҳақда декларант ёки декларацияловчи шахсни хабардор этади.

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

<p>СОЛИК ВА ХАБАРЛАРИ</p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Норма» МЧК</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</p>	<p>Нашр учун масъул – Бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Саҳифаловчи Раъно ИСМАИЛОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Ташкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахрират: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини отказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Норма» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
--	--	---	--	---